

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 336.71

ДЖУМАЕВ ХУРШИДЖОН ТЎЛҚИНОВИЧ

**БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИНИНГ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230701-“Банк иши”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Саидов Д.А.

ТОШКЕНТ - 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТНИНГ МОҲИАТИ ВА ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	7
1.1. Банклараро рақобатнинг моҳияти ва уни намоён бўлиш шакллари.....	7
1.2. Тижорат банклари депозит сиёсатининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари.....	14
1.3. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини ташкил этишнинг асосий мезонлари.....	23
I боб бўйича хулоса.....	37
2-боб. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ.....	38
2.1. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит операциялари таҳлили.....	38
2.2. АТБ “Агробанк” депозит сиёсати ва уни амалий ҳолати таҳлили.....	46
2.3. Тижорат банклари депозит сиёсатига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....	55
II боб бўйича хулоса.....	62
3-боб БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	63
3.1. Тижорат банклари депозит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	63
3.2. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш йўллари.....	67
III боб бўйича хулоса.....	70
Хулоса ва таклифлар.....	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари бош мақсади юқори фойда олишга қаратилган бўлиб, ушбу натижага эришиши учун аввалом бор, тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш, уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш даражасини оширишни тақазо этади. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари томонидан пухта ишлаб чиқилган депозит сиёсати ва шу орқали тижорат банкларига депозитларни янада кўпроқ жалб қилиш банклар учун муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимига тегишли, хусусан, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида урғу берилган¹.

Банк тизимидаги амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларидаги депозитлари умумий ҳажми 2017 йил бошига нисбатан 23,9 фоизга ортиб, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, 58,6 трлн. сўмдан ошди².

Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит амалиётида катор муаммоларнинг мавжудлиги банкларнинг ресурс базасининг барқарорлигига таъсир қилмоқда. Бу эса, банк активларининг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Республикамиз тижорат банклари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

²www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари.

депозит операциялари таркибида муддатсиз депозитларнинг салмоғини юқорилиги кўзга ташланмоқда. Бу эса, навбатида банкнинг депозит базаси таркибида барқарор бўлмаган манбанинг юқорилиги билан изоҳланади.

Юқоридагилар мавзунининг долзарблигини белгилайди ва банклараро рақобат шароитида депозит сиёсатини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчилар, П.Роуз³, О.Лаврушин⁴, В.Колесников⁵, В.Усоскин⁶, Г.Панова⁷, Г.Коробова⁸, А.Баталов⁹ларнинг илмий ишларида айрим жиҳатлари ўрганилган.

Ўзбекистонда банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини амалга оширишнинг айрим йўналишлари Ш.Абдуллаева¹⁰, Ё.Абдуллаев¹¹, Т.Қоралиев¹², У.Азизов¹³, З.Холмахмадов, У.Ортиқов, А.Омонов¹⁴, И.Тоймухамедов¹⁵, О.Ортиқов¹⁶лар томонидан тадқиқ этилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети эса, банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлардир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертациясининг мақсади банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини

³ Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. / П.С. Роуз. - Москва: Дело, 1997. -768 с.

⁴ Лаврушин О.И. "Банковский менеджмент" Учебник ФиС, 2009. 560 с.

⁵ Колесников В.И. и другие. Банковское дело. - Москва: Финансы и статистика, 1995. -480 с.

⁶ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. / Г.С. Панова. - Москва: МКЦ ДИС, 1997. -464 с.

⁷ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. - Москва: Антидар, 1998.-320 с.

⁸ Банковское дело. Учебник/ Г. Г. Коробова. - Москва: "Экономист", 2005.- с. 213.

⁹ Баталов А.Г. Банковская конкуренция / А.Г. Баталов. - Москва: Экзамен, 2002. – с. 230.

¹⁰ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: " IQTISOD-MOLIYA", 2017.-732б.

¹¹ Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар "Банк иши". Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: "Iqtisod-Moliya", 2009. - 576 б.

¹² Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. "Банк ресурслари ва уларни бошқариш". Монография./ –Т.: "Iqtisod-Moliya" 2009.-104б.

¹³ Азизов У., Қоралиев Т. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: "Fan va texnologiya", 2016. 640 б.

¹⁴ Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: "Фан ва технология". Монография, 2008 йил, 248 б.

¹⁵ Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент 2005. 52-55 б.

¹⁶ Ортиқов О. А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Монография./ - Т.: "Fan va texnologiya", 2015. - 140 б.

такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қўйидагилар магистрлик диссертациясининг вазифалари қилиб белгиланди:

- тижорат банклари депозит сиёсатининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

- тижорат банклари депозит сиёсатини ташкил этишнинг асосий мезонларини аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикасида рақобат шароитида тижорат банклари депозит операцияларининг амалий ҳолатини таҳлил қилиш ва депозит базасига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

- тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш била боғлиқ мавжуд муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;

- банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Магистрлик диссертациясининг илмий янгиликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- тижорат банкларининг депозит сиёсати ва унинг мезонларини тадқиқ қилиш асосида тегишли назарий хулосалар шакллантирилган;

- депозит сиёсатининг назарий асосларига хос бўлган хусусиятларнинг моҳияти очиб берилган;

- банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқишда банкнинг мижозлари ва депозитлари тоифасини инобатга олиб такомиллаштириб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркиби ва динамикасига хос бўлган тенденциялар аниқланди;

- тижорат банклари депозит сиёсатига таъсир қилувчи омиллар аниқланди;

- банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари бўлиб, диссертация ишининг муҳим илмий натижаларини амалиётга татбиқ этиш республикамизда банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштиришда ўзининг ижобий натижасини беради.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацияда миқдорий ва сифат таҳлили, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил ва синтез, гуруҳлаш ва статистик усуллардан фойдланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулоса ва таклифлар банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда диссертация материаллари олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги” ва “Тижорат банклари ресурсларини бошқариш” фанларини ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – БОБ. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТНИНГ МОҲИАТИ ВА ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

1.1. Банклараро рақобатнинг моҳияти ва уни намоён бўлиш шакллари

Рақобат бозор иқтисодиётининг ва умуман товар хўжалигининг энг муҳим белгиси, ривожлантириш усули ҳисобланади. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндошишини талаб қилади. Мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат. Бунда улар керакли ишлаб чиқариш воситалари, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, ишчи кучини ёллаш учун ҳам курашади. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат охир-оқибатда истеъмолчилар учун курашдир.

Шундай қилиб, рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди.

Рақобат-бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафлиликка эга бўлиш учун курашни англади.

Банкнинг молия бозорида рақобатлашиш қобилияти банк маҳсулотлари рақобатбардошлигига ва рақобат кураши бошланишига таъсир этувчи хўжалик фаолияти комплекси билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Шу сабабли банк маҳсулотининг рақиблар томонидан таклиф қилинадиган шунга ўхшаш маҳсулотдан фарқини кўрсатувчи тавсиф сифатида имконияти бўйича жамиятнинг аниқ талабларини қондиришини ҳам, ушбу маҳсулот таннархини ҳам кўрсатувчи рақобатбардошликнинг бошқа мавжуд ёндашувлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак.

Банкнинг рақобат бозоридаги ўрнини сақлашда унинг ишончилиги ва самарадорлигини баҳолашда қуйидаги миқдорий кўрсаткичлар энг муҳим ҳисобланади: банкнинг фойдаси ва рентабеллиги, устав фонди ва резервларининг миқдори, активлари ва пасивларининг тузилмаси, кредитлар ва депозитлар бозоридаги улуши, ҳал қилинган операциялар сони, фоиз ставкалари даражаси ва бошқалар.

Шу каби кўрсаткичлар унинг рақобатбардошлик даражасини ва рейтингда тутган ўрнини белгилаш учун қўлланилади.

Жорий шароитда рақобатбардош, замонавий ва самарали бўлишга интилувчи ҳар қандай банк мижозларга йўналтирилган бўлиши, яъни мижоз банк билан ўзаро ҳаракатининг ҳар бир босқичида ўз талабларининг қўллаб-қувватлашишига эришиш ва мижозларни жалб қилиши, уларни ушлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларини юқори даражада ҳал қила оладиган бўлиши лозим.

Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини қараб чиқиш зарур. ўз миқёсига кўра рақобат энг аввало икки турга, яъни, тармоқ ичидаги рақобатга ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Иқтисодий адабиётларда рақобат муаммоларига бағишланган тавсиф бўйича 3 хил қараш мавжуд. Биринчиси, рақобатни бозордаги беллашув кўринишида тавсифлайди. Иккинчи қараш эса классик иқтисодиёт назариясига хос бўлиб, талаб ва таклифни тенг ҳолатда ушлаб туришга хизмат қилувчи бозор механизмнинг элементи сифатида кўриб чиқади. Учинчиси бозорни тушуниш замонавий назариясига асосланади ва рақобатни тармоқли бозор сифатида қабул қилади.

И.А. Никова, Р.Н.Шамгунов бу борада ўзларининг фикрларини билдириб ўтиш¹⁷. Уларнинг фикрича, менежер олдида янги рақобатбардош имкониятларни яратиш вазифаси қўйилганда, улар қоида сифатида ишни ўз ташкилоти ҳолатини рақобатчи корхоналар ҳолати билан таққослашдан

¹⁷ Никова И.А.,Шамгунов Р.Н. Стратегия и стоимость коммерческого банка.-М.:”Альпина Бизнес Букс”, 2004.-304 с.

бошлайди ва худди шундай фаолият, лекин уларга нисбатан яхшироқ фаолият олиб боришади. Натижада ташкилот фаолияти меъёрлар ва рақобатчилар таъсири остида аниқланади. Барча уринишлар мавжуд базани узлуксиз мукаммаллаштиришга олиб келади. Бундан қочиш учун менежернинг вазифаси бўлиб, кам ишлаб чиқариш харажатлари шароитида товар ва хизматларнинг истеъмол қийматини ошириш ҳисобланади.

Назарий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, барча бозор субъектларининг қиёсий характеристикасига тўлиқ таяниш керак эмас ва рақобатли курашни барчанинг ортидан “янада” (янада юқори натижа, янада юқори фойда, товар ишлаб чиқаришнинг янада яхши шароитлар) дея қувгандан кўра, асосий эътиборни истеъмолчига, товар ва хизматларнинг истеъмол қийматига қаратиш зарур.

А.Ю.Юдановнинг фикрига кўра, бозор рақобати деб истеъмолчиларнинг тўловга қодир талабининг чегараланган ҳажмига бўлган курашга айтилади¹⁸. Мазмун жиҳатдан, муаллиф таъкидлашича, жорий таъриф ўз ичига бир қатор муҳим тушунчаларни қамраб олади. Биринчидан, бозор рақобати ҳамда бозордаги ташкилотларнинг бевосита ўзаро ҳаракати ҳақида сўз бормоқда ва таъриф бозорда ўзининг хизматларини таклиф қилаётган ташкилотлар кураши учунгина тегишлидир.

Иккинчидан, тўловга қодир талабнинг чегараланган ҳажми учун кураш юзага чиқади. Агар талаб битта ташкилот томонидан қондирилса, қолган ташкилотлар ўз-ўзидан хизмат кўрсатиш имконидан маҳрум бўладилар.

Учинчидан, бозор рақобати фақатгина қулай бозор сегментида ривожланади.

Рақобат бозорда ўзининг маҳсулотини реализация қиладиган ва иштирок этадиган бир эмас, бир нечта товар ишлаб чиқарувчилар иштирок этган пайтда юзага келиши мумкин. Унинг таърифи бўйича рақобатли бозор,

¹⁸ Юданов А.Ю. Конкуренция: теория и практика: Учеб.-практ. пособие.-4-е изд., испр и доп.-М.: Казаков: Гном и Д., 2010.-304 с.

бозор муҳитининг бир қисми ҳисобланади. Бозор муҳитида рақобатчилар товар ва хизматларнинг сотувчиси сифатида юзага чиқади, улар мустақил фаолият юритади.

П.С.Завьялованинг таъкидлашича, “Рақобат-бозор муҳитининг ажралмас қисми, ривожланган бозорни рақобатиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Айнан шу нарса рақобатни, унинг даражаси ва интенсивлигини, кучли рақобатчиларнинг бозор имкониятларини ўрганиш заруриятини белгилаб беради¹⁹.

Н.А.Колесниковнинг таъкидлашича, рақобат ҳаракатчан, у доимо ўзгариб туради, ижобий томондан молиявий ташкилотлар учун ушлаб турувчи омил бўлиб юзага чиқиши мумкин. Жорий тахминдан келиб чиққан ҳолда доимий равишда рақобат оламини, унинг барча турларини ўрганиш зарур. Катта ташкилотлар учун ҳам, кичик ташкилотлар учун ҳам рақобатнинг зарурлигини ҳисобга олиш зарур²⁰.

Молия бозоридаги рақобатни ўргана туриб, рақобатнинг спецификасини очиб берувчи асосий тушунчаларни аниқлаб олиш зарур.

Рақобат доираси рақобатчиларнинг мустақил кураши рўй берувчи бозорда молиявий хизматлар кўламини, маҳсулот турларини тақдим этади.

Молиявий бозорда рақобат предмети бўлиб бевосита миқдорларнинг маблағи ва ишончига сазовор бўлишга интилаётган молия ташкилотларининг хизматлари ҳисобланади. Кенг маънода бу талабнинг қондирилишидир. Тор маънода эса аналог ёки ўрнини босувчи хизматлар кўрсатувчи рақобатчилар қобилиятларининг юзага чиқиши ҳисобланади. Рақобатнинг кенг маънодаги моҳияти рақобатчиларнинг йирик тўпламига етаклайди, бу тўпланда жорий хизмат бўйича у ёки бу талабни қондирувчи, маълум бир талабни бошқа бир талабга ўзгартирувчи ё умуман бу талабни истеъмолчининг ҳаёт фаолиятидан чиқариб ташловчи барча шахслар ҳаракат қилади.

¹⁹ Завьялова П.С. Конкурентоспособность и маркетинг//Российский экономический журнал.-2005.-№12.-с. 50-55.

²⁰ Колесников Н.А и др. Маркетинг для начинающих свое дело.- Невинномыск: ЗОА «Невинномысская городская типография». 1998. -138 с.

Молиявий бозорда рақобатда рақобат объекти бўлиб молиявий хизматлар истеъмолчиси ҳисобланади, истеъмолчи бунда танлаш имкониятига эга.

Рақобатнинг субъекти бўлиб бозорда ўзининг маҳсулот ва хизматларини тақдим этаётган молия ва ёки бошқа ташкилотлар, рақобатчилар ҳисобланади.

Молия бозоридаги рақобат моҳиятини ҳисобга олган ҳолда банк хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, банк характериға эға бўлган хизматларни кўрсатувчи молиявий ташкилотлар бўлмиш банкларға нисбатан рақобат кураши муаммоси кўриб чиқилады.

Агар банк рақобатининг асл моҳиятиға ёндашадиган бўлсак, жорий тушунча доирасида биз айнан банклар ўртасида юзаға келадиган муносабатларни кўриб чиқамиз: алоҳида олинган ҳар бир тижорат банки банк хизматларини сотувчи бир хил бўлмаган рақобатчилар билан иш олиб боради, улардан бири бўлиб тижорат банклари ҳисобланади.

Банклараро рақобатда субектлар фақатгина банклар ҳисобланмайди, балки банк бозоридаги молиявий ва номолиявий ташкилотлар ҳам иштрокчилар ҳисобланади.

Коробова Г.Г. банклар рақобатини қуйидаги шаклларни келтирган²¹:

1. Сотувчилар рақобати ва истеъмолчилар рақобати;
2. Индивидуал ва гуруҳли рақобат;
3. Тармоқ ичида ва тармоқлараро рақобат;
4. Нархли ва нархсиз рақобат;
5. Тугалланган ва тугалланмаган рақобат.

Рақобатни аниқлашда рақобатлашувчи субектлар билан бир хил вақтда битта нарсаға ва битта мақсадға эришиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Бошқа сўз билан айтганда, тўғридан-тўғри рақобатчилар ҳар доим дўконни бир томонида бўлады- бу сотувчилар ёки сотиб олувчилар

²¹ Банковское дело: Учебник/ под.ред. Коробовой Г.Г.-М.:Экономистъ, 2005.-751 с.

Шундай қилиб, банклар рақобатида иштирокчиларига қараб бозор субъектларини банк хизматларини сотувчилари ва банк хизмати оловчилари рақобатига бўлишимиз мумкин.

Г.Г.Коробова, О.Г.Семенют, Г.О.Самойловларнинг фикридан келиб чиққан ҳолда, банк бозори субъектлари беллашуви жараёни динамикасида рақобатни юзага келтирувчи сифатида намоён бўлади ва бундан келиб чиқадики, улар бу бозорда ўзларига мустаҳкам ҳолат таъминлашади²².

А.М.Тавасиев банк секторидаги рақобатни ўрганиб чиқиб, шунинг таъкидлайдики, рақобат бу умуман олганда хўжалик субъектларининг фаолияти, қайсики улардан кучли назорат кутилади ва бу бозорда ўртача нархни белгиловчи қиймат қононида ўз ифодасини топади²³. “Рақобат” тушунчасини аниқлаган ҳолда муаллиф самарали иқтисодий фаолиятнинг мезонларига урғу бериб ўтади ва бу мезонлар ҳар бир молиявий молиявий ташкилотларнинг рақобат кураши билан узвий боғланган.

Рақобат кенг маънода ишлаб чиқариш ва меҳнат ташкилотларининг самарали вариантларини танлашнинг усулини ўзида акс эттиради. Техник ва технологик, ташкилий ҳамда иқтисодий муаммолар танловнинг яхши вариантдир ва бу танловлар барча ташкилотларга тегишли. Бу самарадорлик мезонлари натижасида, охир оқибат ишнинг даромадлилиги келиб чиқади.

Бозор муносабати субъектлари даромад кетидан кувиш ва ўзларининг иқтисодий ҳолатларини яхшилашга интилган ҳолда рақобатнинг чекланган йўлларида ўзларини олиб қочадилар. Фирмаларнинг бирлашиши, корхоналарнинг махфий келишувлари, шавқациз рақобат- буларнинг барчаси рақобатнинг заифлашишига ва уни назорат қилишда таъсир ўтказишнинг четлашишига олиб келади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақобатни ривожлантиришнинг 3 та асосий муаммосини ҳал этиш талаб этилмоқда:

²² Банковское дело: Учебник/ под.ред. Коробовой Г.Г.-М.:Экономистъ, 2005.-751 с.

²³ Тавасиев А.М., Ребельский Н.М. Конкуренция в банковском секторе России: Учеб. Пособие для вузов/под.ред. А.М.Тавасиев.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-304 с.

- халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатнинг молиявий бозордаги глобал рақобатнинг ўсиши;

- давлат капитали иштрок этган банкларининг устунлиги;

- иқтисодий ва маъмурий бизнес харажатларини пасайтириш ҳисобидан мамлакатнинг банк хизматлари секторида рақобатбардошлиликнинг ошиши.

Бизнинг фикримизча, жорий изох рақобат моҳиятини очиб беришда муҳим рол ўйнайди ва рақобат тушунчасини айнан жараён сифатида акс эттиради.

Шундай қилиб, турли соҳалардаги, қисман молиявий бозордаги рақобат молия бозори иштирокчилари бўлган молиявий ташкилотлар ўртасидаги кураш жараёни сифатида аниқланади. Шу жумладан, молиявий ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” ги (2012 йил 6 январь, ЎРҚ-319-сон) қонунга мувофиқ, мос лицензия асосида банк операциялари ва битимларини амалга оширувчи ёки қимматли қоғозлар бозорида хизматлар кўрсатувчи яъни суғурта хизматлари ёки молиявий характерга эга бўлган бошқа хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, бундан ташқари, нодавлат пенсия фонди, уларни бошқарувчи компания, пайчилик инвестицион фондини бошқарувчи компания, лизинг компанияси, кредит истеъмол бирлашмаси ва молиявий хизматлар бозорида операциялар ва битимларни амалга оширувчи юридик шахс тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» Қонунида рақобатга қўйидагича таъриф берилган: “рақобат—хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди²⁴”

Молиявий хизмат юридик ва жисмий шахслар пул воситаларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фаолият сифатида аниқланади. Молиявий хизмат сифатида банк операциялари ва битимларини

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” ги Қонуни. ЎРҚ-319-сон, 2012 йил 6 январь.

амалга ошириш, суғурта хизматларини тақдим этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги хизматлар, молиявий ижара шартномаларининг тузилиши (лизинг) ва пул воситаларини ишончли бошқариш бўйича шартномалар ҳамда молиявий характердаги бошқа хизматлар тушунилади.

Қонунда таъкидланишича, банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади.

1.2. Тижорат банклари депозит сиёсатининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асослари

Тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий жиҳатидан энг асосий ўринлардан бирини эгалловчи депозит сиёсати молиявий жиҳатдан пул оқимларининг мутаносиблигини таъминлаб туриш ва мазкур молиявий инструментлардан юқори фойда олишни ягона бир стратегик тизим сифатида мужассамлашган бўлади.

Сиёсат тушунчаси – философия энциклопедик луғатида Сиёсат – ҳам амалий муносабатлар ҳам мафкура сифатида иқтисодий жараён ҳаракати билан умумлаштирилган ва жамиятнинг иқтисодий базисига қурилма бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий қизиқишлар охир оқибатда сиёсий ҳаракатнинг сабаби сифатида майдонга чиқади.

Бизга маълумки, Вебстрнинг луғатида сиёсат тушунчаси кетма-кет боғланган ҳаракатларнинг бажарилиш усули, бу ерда тамойиллар уни амалга оширишда тегишли усуллар сиёсатини аниқлашнинг асоси сифатида тушунилади.

Сиёсатни келиб чиқишини аниқлайдиган жамият муносабатлари соҳаси сиёсат таъсирининг объекти бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, сиёсатни ҳам бирон бир соҳадаги фаолият ҳам мафкура сифатида тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, сиёсат ихтиёрий соҳада маълум бир услублар тўплами аниқ вазифаларни ечишга қаратилган тадбирлар мажмуи деб тушунилса, унда банкнинг ресурс базасини шакллантириш бўйича ўтказилаётган операциялар тавсифи бу сиёсатни депозит сиёсати деб аташга имкон беради.

Демак, бизнинг фикримизча, депозит сиёсати сўзини алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу сўз тижорат банкларининг муддатли молиявий ресурсларни бошқариш маъносини англатмайди. Депозит сиёсати сўзини, албатта тижорат банклари депозит сиёсати тарзида қўллансагина, у тижорат банкларида жалб қилинган маблағлар доирасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқариш маъносини англатади.

Депозит операциялари банклар томонидан амалга ошириладиган депозит сиёсатининг асосий ўзагини ташкил этади. Хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётлардан маълум бўлишича иқтисодчи олимлар банк депозитининг иқтисодий моҳиятига турлича ёндашадилар.

Россиянинг иқтисодиёт билан боғлиқ адабиётларида депозитларга банк миқдорларининг барча пул маблағлари, яъни юридик ёки жисмоний шахслар номига очилган ҳисобварағидаги, жорий ёки бошқа ҳисобрақамлардаги пуллар киритилади.

Ўрганишлар натижасида тижорат банклари депозит сиёсати уларнинг пассив операциялари сиёсатининг асосий таркибини ташкил этиши маълум бўлмоқда. Шу боис, банкларнинг депозит сиёсати моҳиятини ёритишда уларнинг шаклланиш хусусиятини ташкил этадиган пассив операцияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банкларида депозит ва кредит сиёсатининг тўғри ташкил этилганлиги, улар орасидаги боғлиқлик ва нисбатнинг оптимал

танланганлиги банкларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўлиши мумкин²⁵.

Халқаро банк амалиётида пассив операциялар банклар фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар, депозит операциялари, юридик шахслардан олинган кредит ресурслар, муомалага қимматли қоғозлар, пул билетлар ва тангаларни чиқариш тарзида тўрт гуруҳга ажратилади.

Мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқишда ва унинг амалиётга жорий этишда қуйидаги асосий масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Банкларга жалб этилаётган маблағлар иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор тижорат банклари томонидан пассив операциялар натижасида жалб қилинаётган маблағларни актив операцияларга жойлаштириш орқали олаётган даромадлари қилинган харажатларни қоплаш билан бирга, тегишли фойдани бериши муҳим масалалардан ҳисобланади;

2. Банкнинг депозит сиёсати рақобатбардош бўлиши лозим. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўртасида молия ва фонд бозорларидан маблағларни жалб қилишда рақобат муҳити вужудга келади. Бундай рақобатда ютиб чиқишнинг асосий мезонларидан бири омонатчиларни йўқотмаслик мақсадида уларнинг омонатлари бўйича тўланадиган фоиз тўловларини ошириб бориш лозим бўлади. Бу ўз навбатида банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қилади, ушбу таъсирнинг салбий натижаларни келтириб чиқармаслик ҳолатларини таъминланиши банк депозит сиёсати рақобатбардошлигини англади;

3. Тижорат банклари депозити сиёсатида қуйидаги ҳолатлар алоҳида инобатга олиниши ва аниқ қилиб белгилаб қўйилиши лозим.

а). Депозит муносабатларининг субъектлари бўйича, яъни банк депозит маблағлари айнан қандай шахсларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланиши

²⁵ Азизов У., Қоралиев Т. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016. 131-135б.

ва улардан банк учун зарур бўлган маблағларни жалб қилиш имкониятлари аниқ белгилаб олинishi керак;

б). Депозитларнинг шакллари бўйича, яъни банкка жалб этилаётган депозит маблағларнинг қандай ҳажми талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлардан бўлиши, улар ўртасидаги нисбатлар инобатга олинishi мақсадга мувофиқ;

в). Риск даражаси бўйича, яъни омонатчилар ва мижозларнинг ҳисобварақалари бўйича тегишли қолдиқ суммалари ва уларни сақлаш муддати қанчалик юқори бўлса, банк учун депозит маблағларини жалб этишда риск даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча;

г). Маблағларни жалб этишнинг асосий мақсади, яъни банк депозит маблағларни жалб этишдан олдин уларни қандай актив операцияларга (кредит, инвестиция, банклараро кредит, асосий воситалар, нақд пул) жалб этилиши аниқ белгилаб қўйилиши, бунда амалга оширилган актив операциялар натижасида қилинган харажатлар қопланиши эътиборга олинishi лозим.

Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқаришда асосий эътибор банк баланси пассивидаги маблағларнинг манбаларига қаратилади. Ушбу маблағлар иккита йирик гуруҳга мажбуриятлар ва капиталга бўлинади.

Мажбуриятлар – банк томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан, капитал эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан шакланади. Ушбу маблағларнинг барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилиши тижорат банкларининг самарали ишлашини ва иқтисодий жиҳатдан бақувватлигини таъминлайди.

Тижорат банклари баланси пассивининг асосий улушини мажбуриятлар ташкил этиб, улар 85-90 фоиздан иборат бўлади. Мажбуриятларни муддати ва вужудга келиш манбасига қараб барқарор ва беқарор, улар учун тўланадиган харажатлар қийматидан келиб чиқиб, арзон ва қиммат маблағларга ажратиш мумкин.

Профессор Ш.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади²⁶.

Халқаро банк амалиётида пассив операцияларнинг қуйидаги тўртта шаклидан кенг фойдаланилади:

- а) банкларнинг фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар;
- б) депозит операциялар;
- в) юридик шахслардан олинган кредит ресурслар;
- г) қимматли қоғозлар, пул билетлар ва тангаларни муомалага чиқариш (эмиссия).

Шулардан депозит операцияларга тўхталадиган бўлсак. Депозит операциялар - банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларга кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир²⁷.

Молиявий жиҳатдан барқарор маблағлар тижорат банкларининг асосий фойда манбасини ташкил этиш билан бирга, уларни кутилмаганда вужудга келадиган зарарлардан ҳимоя қилиш имкониятини ҳам беради.

Депозит манбалари қуйидагича:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар) қўйилмалари;
- жисмоний шахслар қўйилмалари.

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- муддатли депозит маблағлар;
- талаб қилиб олингунга қадар депозит маблағлар;
- аҳолининг жамғарма қўйилмалари.

Банлараро пул ресурслари бозори молия бозорининг асосий сегментларидан бири ҳисобланиб, тижорат банкларига вақтинча бўш маблағларидан самарали фойдаланиш ва қўшимча молиявий ресурсларга

²⁶ Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2017.-99 б.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами.-Т.: "Ўзбекистон", 2003, 86-б.

бўлган эҳтиёжини зудлик билан қондиришга имконият яратади. Банклараро пул ресурслари бозорида қисқа муддатли кредит ресурслар сифатида иштирок этаётган маблағлар бутун банк тизимидаги мавжуд бўш маблағлар ҳажмига таъсир кўрсатмайди. Чунки, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар биринчидан иккинчисига ўтиш орқали уларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағининг умумий ҳажми ўзгаришсиз қолади.

Ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари амалиётида депозит сертификатлари жорий этилиб банк ресурсларининг манбаларини шакллантирилишда фойдаланилмоқда. Депозит сертификатларининг ўзига хос хусусиятлардан бири шундаки, улар банкнинг ҳақиқатда ҳам маълум миқдордаги маблағни банкка қўйганлиги ҳақида мижозга ёзма тасдиқномасини аниқлатади. Энг асосийси депозит сертификатлари гаров сифатида банклар томонидан қабул қилинади. Депозит сертификатлари бўйича фоизлар миқдори депозит суммасининг ҳажми, муддати, шунингдек, иқтисодиётдаги инфляция даражасига боғлиқ.

Вақтинчалик бўш турган пул маблағларини банк ҳисобларида жойлаштириб фойда олиш юридик ва жисмоний шахслар учун ўз омонатларини сақлаш ёки кўпайтириш ва турли харажатларни қоплаш имконини беради. Бу банк пассив операциялари орасида депозитлар миқдори кенг кўламда фойдаланишидан дарак беради. Тижорат банк пассив операциялари ҳисобланган бошқа юридик шахслардан олинган кредит ва заёмлар, шунингдек, депозит операцияларини самарали бошқаришда банк молиявий ресурсларини кўпайтириш имкониятларини кўрамыз. Тижорат банк жалб қилган маблағлари асосий қисми – депозитлардир²⁸.

Тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқишда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарурий ҳолат ҳисобланади. Ана шундай асосий омиллардан бири тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма

²⁸ Mikael C. Bergbrant, Kaysia T. Campbell, Delroy M. Hunter, James E. Owers Does deposit insurance retard the development of non-bank financial markets? Research article. Journal of Banking & Finance, Volume 66, May 2016, Pages 102-125. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0378426616000388>.

депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини шакллантириш ҳисобланади. Тижорат банклари депозитларга уларнинг бозор фоиз ставкаси даражасида ва ундан сезиларли даражада фарқ қилмайдиган ставкаларда фоизлар тўлаши лозим. Аммо, бунинг учун депозитларни тўланаётган ставкадан юқори ставкада жойлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ссуда капиталлари бозорида иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши тижорат банкларини фоиз маржасини ўзгаришига мажбур қилиши мумкин. Айрим ҳолларда тижорат банкларининг маржасини депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан қисқартиришга мажбур бўладилар.

Тижорат банкларининг депозит сиёсати таъсир қилувчи иккинчи омил Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати ҳисобланади. Мажбурий захира ставкаларининг оширилиши тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини пасайтиради. Бундан ташқари мажбурий захира ставкаларининг оширилиши банк ресурсларининг ликвидлилигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган индустриал мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Германия ва Австрияда мажбурий захира ставкалари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг суммаси қанчалик катта ва муддати қанчалик қисқа бўлса, унга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Энг паст ставка эса, узоқ муддатли аҳолининг омонатларига нисбатан ўрнатилган бўлиб, 1 фоизни ташкил қилади²⁹.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини шакллантиришда ҳисобга олинадиган учунчи омил тижорат банкининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг ўзгариши ҳисобланади. Тижорат банки балансининг жорий ликвидлик даражасини пасайиши банкнинг депозитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш имкониятини пасайтиради.

Банклар балансининг умумий ликвидлиги ёмонлашуви муддатли ва жамғарма депозитларининг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилмаслик

²⁹ Эд. Долан и Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер.-Спб. 1998 с 11.

ҳолатларини юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам банк балансининг жорий ва умумий ликвидлигини таъминлаш тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини таъминлашнинг муҳум омилларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири Марказий банкнинг очик бозор операцияларининг ўзгариши ҳисобланади. Агар Марказий банк очик бозор операцияларида кўпроқ қимматли қоғозларни сотувчи бўлиб иштирок этса, бу ҳолат тижорат банкларининг ликвидлигини пасайишига олиб келади.



1.1-расм. Банкнинг депозит сиёсатининг шаклланиш тамойиллари³⁰

Юқоридаги расмда депозит сиёсатини бошқаришда турли тамойилларга таянган ҳолда банк ғазначилик менеджменти рўбаро келсада, мазкур

³⁰ Муаллиф томонидан мустақил тузилди.

тамойилларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг мақсади ягоналиги сақланиб боради: яъни, камроқ харажатлар билан кўпроқ даромад олиш.

Тижорат банклари учун жалб қилинган қарз маблағлари моҳиятини баҳолаш қийин. Биринчидан, жалб қилинган маблағлар тижорат банклар ресурсларини кўпроқ улушини ташкил этади. Иккинчидан, жалб қилинган маблағлар моҳиятига кўра ҳар хил ва банк турли кредит ва инвестицион инструментларига маблағлар жойлаштириши учун кенг имкон яратади. Учинчидан, тижорат банк жалб қилинган маблағларни шакллантиришда юридик ва жисмоний шахслар омонатларининг юқори салоҳиятига таянади³¹.

Тижорат банклари специфик йўналиши жиҳатидан ҳар хил турларга бўлинганлигига қарамай ўзига хос депозит сиёсатига эга бўлади. Мазкур депозит сиёсати барча молия муассасаларнинг юқори даромад келтирадиган бўғинларидан бири ҳисобланади. Депозит сиёсатининг асосини ташкил этувчи банк ресурслари базаси депозит портфелида мужассамлашган бўлади. Мазкур депозит портфели жойлаштирилган ва жалб этилган ресурслардан ташкил топган бўлади.

Жойлаштирилган банк ресурслари базасига:

- Банклараро муддатли ва фоизли депозитлар;
- Кредитлар;
- Кредит линияси бўйича очилган аккредитивлар;
- Факторинг операциялари;
- Бошқа турдаги дериватив фоизли депозитлари киради.

Жалб қилинган банк ресурслар базасига:

- Банклараро муддатли ва фоиз депозитлари;
- Ҳар хил турдаги омонатлар;
- Корпоратив омонат инвестициялари киради.

Тижорат банкларининг ғазначилик бошқармалари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган жойлаштирилган ва жалб қилинган ресурслар базаси

³¹ Pelumi E. Oguntunde, Hilary I. Okagbue, Patience I. Adamu, Omoleye A. Oguntunde, Abiodun A. Opanuga. Statistical analysis of bank deposits dataset. Open access, Data article. Data in Brief, Volume 18, June 2018, Pages 864-872. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2352340918303093>.

ўртасидаги мутаносибликларни фоиз белгилаш ва муддат ўрнатиш йўли орқали бошқарилади.

1.3 Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини ташкил этишнинг асосий мезонлари

Банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг иқтисодиётдаги бўш пул маблағларни етарли даражада жалб этиши ва ушбу маблағларни самарали жойлаштиришни бошқариш ҳозирги кунда уларнинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда бозор муносабатларининг тобора чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг янада эркинлаштирилиши натижасида тижорат банклари ўртасида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг янада кучайганлигидандир. Натижада, банкларнинг арзон ва муддати жиҳатидан «узун»³² маблағларга бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ушбу маблағларни шакллантириш ва уларни самарали бошқариш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Мазкур ҳолат мамлакат миқёсида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларни банклар ўртасида «таксимлаш»да ва молия бозоридан қўшимча ресурсларни жалб этишда банклар ўртасидаги эркин рақобатни кучайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банклари депозит сиёсатининг умумий мезонларига қуйидагилар киради:

- банк фаолиятининг барқарорлиги, ишончлигини сақлаб туриш мақсадида унинг депозит, кредит ва бошқа актив операцияларининг ўзаро боғлиқлиги;
- банк рискларини минималлаштириш мақсадида унинг ресурсларини диверсификация қилиш;
- банк депозит портфелини мижозлар, маҳсулотлар ва бозорлар бўйича сегментлаштириш;
- мижозларнинг турли гуруҳларига нисбатан табақали ёндошув;

³² Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.

- банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар рақобатчи банкларнинг хизматларидан фарқ қилиши лозим;

- барқарор ва нобарқарор ресурсларнинг оқилона нисбатини шакллантириш зарур;

- банк депозит портфелининг шаклланишига таъсир қилувчи ташқи омилларни ҳисобга олиши лозим.

Тижорат банклари ўз фаолияти хусусиятига эга эганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур молия муассасанинг депозит сиёсатини фундаментал асосини ташкил этувчи ресурслар базаси қуйидагилар:

- банк капитали;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг банкда очилган ҳисоб рақамлардаги маблағлари;
- турли хил шартлар ва муддатларга жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ташкил топган бўлади.

Тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш банклараро кредитлаш туридан яхшироқ ҳисобланади, сабаби банклараро кредит жуда қиммат ресурслар ҳисобланади. Буларни мувофиқлаштириш ва йўлга қўйиш тижорат банкларининг, депозит сиёсатини асоси ҳисобланади.

Бўш пул маблағларини банд қилиб турганлар - бу аҳоли ва корхона, ташкилотлар ҳисобланади. Бу маблағлар тижорат банкнинг ресурслар базасини ташкил этишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Бу мураккаб ва жуда муҳим муаммоларни ечиш учун, авваламбор, аҳолини банк депозитларига маблағларини қўйишни хохламасликларини сабабини таҳлил қилиш лозим. Умумиқтисодий ҳолатини таҳлили, шунингдек баъзи омонатчилар билан савол-жавоблар қуйидаги натижаларга олиб келди:

- инфляция (инфляция қанчалик юқори бўлса, тижорат банклари депозитларида аҳолининг қўйилмалари шунча кам даражада жалб қилмоқда); нархларнинг ўсиши (аҳоли истеъмол товарларининг нархларини ўсиши,

қўйилмаларни банкдан чиқиб кетишига сабаб бўлади);

- депозит фоиз ставкаларининг пасайиши (қўпчилик банклар депозит фоиз ставкаларини пасайтиришлари натижасида қўйилмалар чиқиб кетади), шунингдек депозит фоизлари инфляция даражасини қопламаслиги;

- ҳужжатлар айланишининг кўплиги (қўйилмаларни расмийлаштириш кўп вақтни талаб этади, ҳужжатлар тушуниш учун қийин бўлган структурага эгалиги);

- биринчи талабдаёқ пулларни олиш имкониятини йўқлиги (одатда пулни олиш муддати 3 банк кунидан ошади);

- пул маблағларини мазкур банкларнинг бошқа бўлимларидан олиш имконияти кўп ҳолларда йўқлиги бу қўйилмаларга ишончсизликни келтириб чиқаради.

Бу муаммоларни ечиш учун банклар депозитлар бўйича фоизларни инфляцияни қоплайдиган даражада бериш лозим. Буни ҳисоблаш учун халқ истеъмоли товарлари нархларининг индекслари ўзгаришини, инфляциянинг расмий кўрсаткичини, пул массасининг айланиш тезлигини ва мазкур йил учун солиқ нормаларини ҳисобга олиш лозим.

Депозитлар муддатларини узайтиришни рағбатлантириш. Бунинг учун депозитларга бир марталик бонус ҳақлари тўланади. Бонус қўйилмаларнинг муддати, даромадлилиги ва узайтириш муддатига боғлиқ равишда ҳисобланади.

Бу мисоллар, кўпроқ, узоқ муддатли ресурсларга эҳтиёжманд банклар қўлланилади. Аҳоли қўйилмаларини 3, 5, 7 йил ва ундан ошиқ муддатга жалб этиш банк депозит сертификатларни муомалага чиқариш орқали амалга оширилади. Бунда депозит сертификатлари белгиланган талабларга жавоб бериши лозим. Шунингдек, депозит фоизларини уларнинг муддати ошиб бориши билан ошириб бориш ҳам узоқ муддатли депозитларни жалб қилишни рағбатлантиради. Лекин бу чора-тадбирларнинг барчаси аҳоли ишончини қозона олмайди, токи банк аҳоли олдидаги барча мажбуриятларни қоплашга кафолат бермаса. Бу кафолатнинг исботи бўлиб, депозитларни

ягона суғурта фонди бўлиши лозим. Бу фонд банк мажбуриятларини тўлай олмайдиган ҳолатга сабаб бўлувчи фавқулотда ҳолатлар учун резерв бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир банк ўзининг депозитлари суммаларидан келиб чиққан ҳолда, мажбурий заҳираларга ажратмалар қилиб бориши лозим. Заҳираларга ажратмалар ҳажми банк активи структурасини, операциялар даромадлилиги, капиталнинг ҳолатини таҳлил қилиб чиққан ҳолда аниқланади. Бу фонд умумбанк, демак умумдавлат аҳамиятига эга. Давлат бундай фонд устидан назорат ўрнатмоғи лозим.

Депозитларни суғурталашни ягона фонди тижорат характериға эга бўлмаслиги лозим, лекин заҳираланаётган суммалар давлатнинг юқори ликвид активларига жойлаштирилиш лозим. Фонд қатнашчилари бўлган банклар депозит счёти ёпилгач, зудлик билан ва шубҳасиз заҳира ажратмаларини қайтариб олмоғи ва улар бўйича талаб қилиб олингунча депозитларида бўлганидек фоизлар олишлари лозим. Бу заҳира фондининг рағбатлантирувчи функцияси ҳисобланади. Албатта, фақат бу билан банкларға пул маблағларини оқиб келишини рағбатлантириши мумкин эмас. Бунинг учун пул массаси айланиш тезлигини ошириш, савдода нақд пулсиз ҳисоб-китобларға тўлиқ ўтиш ва бошқа муаммоларни ечиши лозим. Лекин юқорида айтиб ўтган чора-тадбираларимиз энг долзарб ҳисобланади ва тез орада ўз ечимини кутиб қолади.

Аҳолининг депозит қўйилмалари нисбатан узоқ муддатли характерға эга бўлади (бошқа банк ресурсларига нисбатан), шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда бу қўйилмалар банк фаолиятининг энг сифатли ресурси бўлиб келмоқда.

Молиявий бозордаги аҳволни таҳлили шундай хулосалар бермоқдаки, аҳолининг бўш пул маблағлари депозитларға жалб этиш нафақат тижорат банклари, балки бутун давлат аҳамиятиға лойиқ ҳисобланади.

Мулкчилик турларини чуқур ўзгариши, тақсимлаш муносабатларини янги характерларини пайдо бўлиши, аҳоли жамғармаларини жойлаштириш

ва тартибга солишнинг марказлашмаган шакллари пайдо бўлиши Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли жамғармаларини табиатини ўзгаришига олиб келмоқда. Иқтисодий назариядан биз биламизки, жамғарма - бу даромадлар билан истеъмол ўртасидаги фарқдир. Шунинг хисобга оладиган бўлсак, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларнинг барқарор бўлмаслиги натижасида аҳоли ва юридик шахсларнинг даромадлари паст бўлиб, харажатлар эса ошиб бориши натижасида жамғармалар камайиб бормоқда. Шунинг натижасида уларни банкка кириб келиши камайиб борган. Лекин яқин 2-3 йил ичида нархларнинг нисбатан барқарорлашуви, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашуви натижасида аҳоли ва юридик шахсларни молиявий ҳолати яхшиланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини банкка оқиб келишига сабаб бўлади.

- Банклараро кредитлар бозорида кредит рискинни минималлаштириш учун хизмат қилувчи Марказий банкнинг актив иштирокини таъминлаш;
- Иқтисодиётда, тижорат банклари рискларини оширувчи ва шубҳали кредитларни вужудга келтирувчи нотўғри занжири;
- Аҳоли қўлларида жамғармаларини ўсиши, яъни пул маблағларини иқтисодиётни реал секторидан чиқиб кетиши, уларни банк қўйилмаларидан ҳам оқиб депозитлар, яъни мижозлар банкка қўяётган пул маблағлари ёки банк операцияларини амалга ошириш жараёнида муайян вақт мобайнида банк ҳисобрақамида турадиган маблағлар тижорат банки томонидан жалб қилинган маблағларнинг асосини ташкил этади.

Банк амалиётида депозитлар ва депозит ҳисобрақамидан фойдаланиш масаласи бўйича турлича ва кўпинча бир-бирига зид нуқтаи-назарлар мавжуд. Депозит деганда, жаҳон банк амалиётида сақлаш учун молия-кредит ёки банк муассасасига берилган пул маблағлари ёхуд қимматли қоғозлар тушунилади. Банкларда «депозит» тушунчаси деганда банк омонатлари билан бир қаторда божхона тўловлари, йиғимлар, солиқлар ва ҳоказоларни тўлаш учун киритилган бадаллар ҳам тушунилади.

Депозитлар депозит операциялари объектлари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан муайян муддатга ёки талаб қилинганида бериладиган қилиб банкдаги депозит ҳисобрақамига киритиладиган муайян миқдордаги пул маблағларидир.

Депозит турлича таснифланади:

- омонатчи турига қараб депозитларни жисмоний ва юридик шахслар депозитларига ажратиш қабул қилинган;
- муддатига ва қайтариб олиш тартибига қараб депозитларни талаб қилинганида бериладиган, муддатли ва махсус депозитларга ажратиш қабул қилинган.

Ресурслар негизи банк фаолияти учун биринчи даражали аҳамиятга эга. Тижорат банклари актив операцияларини ўзларида мавжуд бўлган ҳамда жалб этилган пул маблағлари манбалари доирасидагина амалга ошира оладилар. Айни пассив операциялар актив операцияларни ҳажми ва миқёсини белгилайди. Банк пассивларини шакллантириш ва мақбуллаштириш жараёни тижорат банкларининг ресурс салоҳиятини ташкил этадиган пул маблағларининг барча манбаларини бошқариш сифатини акс эттиради. Банкларнинг барқарор ресурслар негизи унинг актив операциялари барча турларини муваффақиятли равишда ўтказиш имконини беради. Шу сабабли, ҳар бир тижорат банки ўз ресурслари негизларини ошириб боришга интилади.

Тижорат банки қарз маблағларини кенг жалб этмоқдалар. Қарз маблағлари ҳисобига активлар жами миқдорининг 80% дан кўпроғи шаклланади. Банк операцияларидан олинадиган нисбатан юқори бўлмаган фойда арзонгина қарз маблағларидан, шу жумладан, депозитлардан фойдаланиш, пировард натижада акциядорларнинг мақбул даромад олишларини таъминлайдиган миқдорга етиши керак.

Депозит операциялари ҳисобидан шакллантирилаётган маблағларни, ўз навбатида, муддати жиҳатидан барқарор ва нобарқарор ҳамда қиммат депозит (яъни қисқа муддатга, юқори фоизда жалб қилинган ресурслар)

маблағлар гуруҳига ажратиш мумкин.

Депозит маблағларини талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлари арзон маблағлар, лекин муддати жиҳатдан нобарқарор маблағлар ҳисобланади. Банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари эса муддати жиҳатидан барқарор, лекин кредит ресурсларининг қиммат маблағлар манбаларидан ҳисобланади. Тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш институти сифатида барқарор ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжни асосий қисми уларнинг муддатли депозитларига жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан қондирилиши банкларга ликвидликни таъминлаш имконини беради.

Банкларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақларидаги маблағлар нисбатан нобарқарор ресурс ҳисобланади. Банклар ушбу маблағлардан кредит ресурслари сифатида актив операцияларда фойдаланиши уларнинг ликвидлигини таъминлашга сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг молиявий ресурслари нисбатан қиммат манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда ёки уларнинг актив операцияларининг имкониятлари чегараланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозит маблағлари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётини ривожлантириш ва уларнинг муддатли ҳамда жамғарма депозит операциялардан манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида, ушбу ресурс манбалари бўйича ўрнатилган мажбурий захира ажратмаларига Марказий банк томонидан имтиёзлар жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларида айрим ҳолларда пул ўтказиш юзасидан вужудга келаётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги депозитга жалб этилган маблағларнинг маълум миқдордаги улушини мажбурий сақлаш тартибини бажаришга эришиш лозим. Ушбу талабни энг кам миқдори 30 фоизидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Қарз маблағларини жамлаш имконияти кўп жиҳатдан қуйидаги ташқи

омилларга боғлиқ бўлади:

- Иқтисодий фаоллик даражаси;
- Минтақанинг ривожланганлик даражаси;
- Муқобил қўйилмалар имкониятларига;
- Инфляция юзасидан қилинадиган тахминлар;

Маълумки, иқтисодиётнинг марказлашган режали тизимида банклар жамиятдаги вақтинча бўш пул маблағларни, молия бозоридан арзон ва молиявий барқарор манбаларни излаб топишга умуман эҳтиёж сезмасди. Чунки ресурслар марказдан махсус режа ва директивалар асосида тақсимланарди. Банклар эса ушбу маблағларни белгиланган кўрсатма ва режа асосида тегишли манзиллар бўйича қайта тақсимлаб чиқарди.

Тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағларнинг улуши пасайиш тенденциясига эга бўлсада, лекин жами депозитлар таркибидаги салмоғи юқориликча қолмоқда. Тижорат банклари депозит маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағлар улушининг юқорилиги уларнинг депозит базасининг заифлиги ва ресурсларни самарали бошқаришда муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Буларнинг барчаси амалиётда тижорат банкларининг мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ қатор зиддиятли ҳолатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Тижорат банкларининг депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган ресурслар уларнинг актив операциялари бўйича эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас. Чунки тижорат банкларнинг жами ресурслари таркибида депозит маблағлар жуда паст миқдорни ташкил этади.

Демак, тижорат банкларнинг депозит операциялари ҳисобидан кредит ресурсларни жалб қилиш амалиёти жуда заиф бўлиб, ушбу масала банк ресурсларини бошқаришдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Хусусан, вакиллик ҳисобварақларидаги маблағларнинг тақчиллиги вужудга келишида мижозларнинг нақд пулларга бўлган талабини қондиришда, самарли лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган

ресурсларга эҳтиёжини қондиришдаги мавжуд муаммолар шулар жумласидандир.

Депозит сиёсатини бошқаришда турли принцип хоссаларига таянган ҳолда банк ғазначилик менеджменти қарама-қарши келса-да, мазкур принципларнинг хилма-хиллигига қарамай, уларнинг мақсади ягоналиги сақланиб боради: яъни, камроқ харажатлар билан кўпроқ даромад олиш. Аммо, тижорат банкларининг ресурсларини шакллантириш жараёни салбий ҳолатга эга эканлиги қуйидагилар билан изоҳланади.

- Биринчидан, тижорат банкларининг депозит маблағлари ҳисобидан кредит ресурсларини шакллантириш амалиёти жуда заиф.

Тижорат банклари қисқа муддатли кредитлаш институти сифатида барқарор ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Ушбу эҳтиёжнинг асосий қисми уларнинг муддатли депозитларига жалб қилинадиган маблағлари ҳисобидан қондирилиши банкларга ликвидликни таъминлаш имконини беради.

Банклар ушбу маблағларни кредит ресурслари сифатида актив операцияларда фойдаланиши мумкин. Лекин, банкнинг ушбу маблағлардан кредит ресурси сифатида фойдаланиши уларнинг ликвидлилигини таъминлашда сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади. Чунки, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлари мижозлар томонидан кутилмаган пайтда қисман ёки тўлиғича қайтарилиши талаб қилиб қолиниши мумкин. Ёки қарз олувчининг иқтисодий жиҳатдан молиявий нобарқарорлиги туфайли мўлжалланган пайтда кредитга берилган маблағ банкка қайтмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда банк иқтисодий жиҳатдан икки томонлама молиявий зарар кўради. Биринчидан, ликвидлиликини таъминлай олмаслиги натижасида мижознинг талабини қондира олмайди. Иккинчидан, кредит ҳисобига берилган маблағдан ва ундан кутилаётган кредит фоизидан маҳрум бўлади. Демак, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлар банкларни ликвидлилик рискига дучор бўлишига олиб келиши оқибатида уларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган нобарқарор молиявий манба бўлиб ҳисобланади.

- Иккинчидан, тижорат банкларининг молиявий ресурслари нисбатан қиммат манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда ёки уларнинг актив операцияларининг имкониятлари чегараланган.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибида муддатли депозитлар салмоғи асосий ўрин эгаллайди. Маҳаллий банкларнинг бозор муносабатлар шaroитидаги фаолияти ва халқаро банк амалиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларида доимий равишда маълум миқдорда бўш пул ресурслари мавжуд бўлиши лозим. Ушбу миқдор, бизнинг назаримизда, жами трансакцион депозитларга нисбатан 30 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Албатта, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари бўйича ўрнатилган ушбу меъёр орқали уларнинг тўловга лаёқатлигини тўлиқ таъминлашнинг имконияти бўлмайди. Ушбу меъёр миллий иқтисодиётда кескин тебранишлар ва иқтисодий инқироз юз бермаган шарoитда ўзининг ижобий натижасини беради.

- Учинчидан, юридик ва жисмоний шахслар банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитларига маблағларини кўпайишидан манфаатдорлик кўрмайди.

Юридик ва жисмоний шахслар банкка қўйилган маблағларнинг сақланишига, қайтарилишига ва улардан олинadиган фоизларнинг барқарор бўлишига ишонч ҳосил қилгандагина муддатли ва жамғарма депозитларга маблағларни йўналтиришга мойиллик сезади.

Омонатчиларнинг муддатли жамғармаларга маблағларни қўйишда инфляция даражаси ҳам муҳим рол ўйнайди. Агар инфляция даражаси сезиларли даражада юқори бўлса, омонатчиларнинг маблағларни банкка йўналтиришда иқтисодий манфаатдорлик камаяди. Натижада, улар банкнинг муддатли депозитларга маблағларни қўйишга хоҳиш сезмайдилар. Чунки, ушбу омонатлардан олаётган, даромад миқдори инфляция таъсирида ўзининг қийматини йўқотади. Тижорат банкларининг депозит маблағлари таркибини таҳлил қилганимизда, унинг таркибида муддатли ва жамғарма

депозитларнинг салмоғи сезиларсиз салмоққа эга эканлиги маълум бўлди. Бизнинг назаримизда, тижорат банкларида муддатли ва жамғарма депозитларнинг салмоғининг пастлигини асосий сабабларидан бири аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг нисбатан пастлигидадир.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг заифлиги банкларга омонатларни жалб этиш жараёнига сезиларли равишда салбий таъсир кўрсатади ва пул мабалағларини банкдан ташқарида айланишига замин яратади. Мазкур ҳолатнинг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилади. Шуниси эътиборлики, кўпчилик мамлакатларда иқтисодий субъектлар ўртасида маълум миқдордаги пул операциялари банк тизимидан ташқарида амалга оширилади. Бу мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Умуман олганда ривожланган мамлакатларда хуфиёна иқтисодиётнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5-10 фоизни, ривожланаётган ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда эса 25 дан 60 фоизни ташкил этади. Қайд этиш лозимки, мамлакатда ялпи ички маҳсулотга нисбатан хуфиёна иқтисодиётнинг улуши 40-50 фоизни ташкил этганда унинг таъсири шу қадар кучаядики, деярли жамиятнинг барча жабҳаларида унинг салбий таъсири кузатилади.


Демак, жамиятда мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, пул мабалағларини банкдан ташқари айланишига бевосита шароит яратади. Бизнинг фикримизча, тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларига муддатли омонатларни жалб этишни кўпайтириш ва уларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда қуйидаги асосий омилларни инобатга олиш лозим:

- Мижозларнинг депозит ҳисобварақлари бўйича банк сирини таъминлашга тўлиқ эришиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасида «Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг

операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради», деб белгилаб қўйилган³³.

Аммо, айрим ҳолатларда, юридик ва жисмоний шахсларнинг операциялари ҳамда ҳисобварақларига доир маълумотлар ана шу мижозларнинг ўзига, прокурор, судларга, жиноий иш қўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилиши лозимлигига қарамасдан, банклар юқорида кайд этилган ҳолатлар содир этилмаганда ҳам мижозларнинг ҳисобварақлари ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқарув органлари раҳбарларининг талабига асосан, ошкор этишга мажбур бўлади. Натижада, мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги аҳолининг ва мижозларининг банкларга бўлган ишончига бевосита салбий таъсир кўрсатади.



1.2-расм. Тижорат банки депозит сиёсатининг чегаралари³⁴.

Юқоридаги расмда тижорат банки депозит сиёсатиничегаралар келтирилган бўлиб, у турлича йўналишларни ўз ичига олади.

³³ Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.

³⁴ Муаллиф томонидан маълумотлар асосида тайёрланди.

Тижорат банки депозит сиёсатининг чегараларини белгилашда айрим тижорат банкларида муддатли ва жамғарма депозитларнинг улуши жами депозитлар таркибида 30 фоиздан ҳам паст даражани ташкил этади. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига, тижорат банкларига ресурсларни жалб этишнинг қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларининг мавжуд эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда;

- тижорат банкларининг депозитли ресурслари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган маблағларнинг улуши юқори, шу билан бирга уларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағларнинг депозит маблағларига нисбати жудаям даражада эканлиги;

- тадқиқот объекти сифатида ўрганилган банкларнинг жами ресурслари таркибида депозит маблағларнинг улуши пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган;

- тижорат банклари депозит маблағларининг ресурслари таркибидаги салмоғини ошириш ва уларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида трансакцион депозитларига нисбатан мажбурий захиралар миқдорини 8 фоиз, муддатли ва жамғарма депозитларга нисбатан эса 0 фоиз миқдорида жорий этиш лозим.

- Банклар мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш керак.

Ушбу ҳолат, айниқса, тижорат банкларининг миждозларни ўз вақтида нақд пуллар билан таъминлай олмаслиги, уларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағларни исталган пайтда тегишли манзилга ўтказишдаги мавжуд муаммолар ва миждознинг кредит ресурсларига бўлган талабини қондирилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Маълумки, тижорат банкларининг асосий вазифаси жамият миқёсидаги вақтинча бўш маблағларни жалб этиш орқали, ушбу маблағларни уларга эҳтиёжи бўлган хўжалик юритувчи субъектларига тўловлилик, қайтаришлик ва муддатлилик асосида беришидан иборат.

Мижозларнинг истаган пайтда тўлиқ ёки қисман нақд пулга бўлган талабини қондирилмаслиги уларнинг банкка нақд пул топшириши билан боғлиқ операцияларининг ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

Тижорат банки депозит сиёсатининг асосий мезонларига қуйидагилар киради:

- мижозларнинг аҳоли гуруҳларидан депозитлар жалб қилишни кучайтириш;
- банкнинг депозит сиёсатини алоҳида олинган ҳудудларда фаоллаштириш;
- омонатларнинг аниқ турлари бўйича маблағлар жалб қилишни кучайтириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тижорат банкларининг умумий сони 27 тани ташкил этади. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари сонининг ортиши, улар ўртасидаги рақобатни кучайтиради. Бу шароитда молиявий жиҳатдан нобарқарор бўлган тижорат банкларнинг инқирозга учраши табиийдир. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатда зиён кўрувчилар қаторига нафақат банкнинг ўзи ва унинг ходимлари, балки шу банкка ўзининг маблағларини ишонган омонатчилар ҳам қўшилиб қоладилар. Соғлом иқтисодиётга эга бўлган мамлакатларда аҳолининг банкларга нисбатан ишончи жуда юқори ҳисобланади. Масалан, АҚШ, Швейцария, Германия, Франция ва бошқа бир қатор ривожланган давлатларда яшовчи аҳолининг 90 фоизи ўзининг маблағини банкларда сақлайди ва шунинг билан бир қаторда, бу маблағлардан нақд ва нақдсиз шаклларда турли хилдаги тўловларни амалга ошириш учун осонлик билан фойдаланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг халқ ишончини қозонишининг ягона йўли бу иқтисодиётни ва банк тизимини барқарорлаштирувчи сиёсатни ишлаб чиқишидадир.

Шу сабабли, республикада нисбатан ишончи ўсиши учун бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. 2002 йил апрель ойида Олий Мажлиснинг 2 - чақириқ 8-сессиясида «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш

кафолатлари тўғрисида»ги Қонунини қабул қилди. Бу Қонун фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосини белгилайди. Қонун қабул қилинишидан асосий мақсад иккита. Улардан бири, омонатчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўлса, иккинчиси, омонатчиларнинг банкларга нисбатан ишончини оширишдир.

Демак, фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш Фонди билан битим тузиб, унинг реестрига кирган тижорат банкларига қўйилган омонатларининг қайтарилиши Фонд томонидан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси тижорат Халқ банкига қўйилган омонатлар эса, у давлат банки бўлганлиги сабабли давлат томонидан тўлиқ кафолатланган. Шу сабабли Халқ банки Фонд реестрига киритилмаган.

Умуман, республикада фаолият юритаётган тижорат банкларининг барқарорлик даражаси ҳам аҳолини унга бўлган ишончини ошириб боради.

Демак, банклар қанча ликвид ҳамда ишончли бўлса, мижозларни кўпроқ жалб қилиши мумкин бўлади.

I боб бўйича хулоса

Банкларга депозитларни жалб этишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун энг муҳими – фуқароларнинг банк-молия тизимига, шунингдек, миллий валютага нисбатан ишончини қозонишдир.

Тижорат банкларида айрим ҳолларда пул ўтказиш юзасидан вужудга келаётган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг вакиллик ҳисобварақларидаги депозитга жалб этилган маблағларнинг маълум миқдордаги улушини мажбурий сақлаш тартибини бажаришга эришиш лозим. Ҳозирги кунда ушбу талабни энг кам миқдори 30 фоизидан иборат. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларини депозит базасига бевостиа таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг депозит операцияларини оқилона бошқаришга эришиш, уларга молиявий барқарор ресурсларни шакллантириш, банк ликвидлигини таъминлаш ва уларнинг фойдасини оширишга замин яратади.

II - БОБ. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит операциялари таҳлили

Банкараро рақобат шароитида тижорат банкларида барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳоли ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган мамлакатимиз Президентининг қатор Фармон ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва банк тизимга тегишли меъёрий ҳужжатларни қабул қилиниши аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Депозит жалб қилиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиётисиз тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутди.

Агар, аҳоли бўш пул маблағларини банкларда беҳавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фоизли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига мижозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг, траст, овердрафт ва овернайт каби жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олишади. Шу йўл билан бўш пул маблағларини банк орқали йиғиш ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, натижада пул айланиш тезлигини ўстириши эвазига миллий

валюта қадрсизланишининг жиювланишига эришиш мумкин. Айнан, мана шу омил ҳам депозитларнинг ривожланишида асосий ўрин тутати.

Ўзбекистон Республикасидаги депозитларнинг турлари³⁵:

- 1) талаб қилиб олингунга депозитлар;
- 2) жамғарма депозитлари;
- 3) муддатли депозитлар;
- 4) депозит сертификатлари.

Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги 2711-сонли 2015 йил 26 август йўриқнома да депозит операциялари амалга ошириш тартиби берилган.

Ўзбекистон банк тизимининг ижобий тамойили депозитлар хажмининг ўсиши билан бир қаторда, аҳоли томонидан анча узоқ муддатга жойлаштирилаётган маблағлар улушининг кўпайишидан иборат бўлиб қолмоқда.

Узоқ муддатли омонатлар мижозларга мунтазам тўловлар олиш имконини бермоқда. Бундай омонатларнинг даромади иш ҳақи ёки пенсиянинг реал муқобили бўлиши мумкин. Чунончи, депозит буйича вақти-вақти билан амалга ошириладиган тўловлар талабаларнинг харажатларини коплайди, омонат муддати ўтгандан кейин уни ўқишни давом эттиришга сарфлаш мумкин. Узоқ муддатли депозитлар пенсионерлар учун кизиқарлидир: омонатдан олинадиган фоизлар ушбу омонатчилар тоифасига яхши ёрдам бўлади.


Пул қўювчилар тоифасидан келиб чиққан ҳолда депозитлар қуйидагиларга бўлинади:

- юридик шахслар (корхоналар, ташкилотлар) қуйилмалари;
- жисмоний шахслар қуйилмалари.

Тижорат банклари ресурслари таркибида асосий ўринни депозитлар эгаллайди.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги 2711-сон йўриқнома, 2015 йил 26 август.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитлар динамикаси қуйидаги расмда келтирилган.



2.1–расм. Тижорат банклари депозитлари динамикаси, (млрд. сўм)³⁶.

Юқоридаги расмда 2008-2017 йилларда тижорат банклари депозитлари динамикаси келтирилган. Расмдан кўринадики, 2008 йилда депозитлар ҳажми 5771,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 58668,5 млрд. сўмга етди ва 2008 йилга нисбатан 52896,9 млрд. сўмга ошган. Бу ўз навбатида тижорат банкларини ресурс базасини мос равишда ошиши билан изоҳланади. Чунки, тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган маблағларнинг асосий қисмини депозитлар ташкил этади.

2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг ЯИМдаги улуши³⁷, (йил якуни бўйича, млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2012й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
ЯИМ	96600	119000	144900	171400	199325,1	249136,4
Тижорат банклари депозитлари	22822,5	26100	28500	35600	44600	58668,5
ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида	23,6	21,8	19,6	20,7	22,4	23,4

³⁶ Марказий банк ва тижорат банклари ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Юқоридаги жадвалда тижорат банклари депозитлари ва унинг ЯИМдаги улуши келтирилган бўлиб, 2013 йилда тижорат банкларининг жами депозитлари 22822,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса 2017 йилга келиб эса 58668,5 млрд. сўмга етган ва 2013 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эгадир. Тижорат банкларининг депозитларининг ЯИМдаги улуши 2013 йилда 23,6 фоизни ва 2017 йилга келиб 23,4 фоизни ташкил қилган. Тижорат банкларининг жами депозитлари ўсиш тенденциясига эга, бироқ ЯИМдаги улуши 0,2 фоизга пасайган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, банк депозитларининг ўсиши ЯИМни ўсишидан ортда қолмоқда.

Банклар томонидан жозибадор омонат турлари таклиф этилаётганлиги аҳоли пул маблағларини банк муассасаларида сақлашнинг ишончлилиги ва қулайлигини кундан кунга оширмоқда. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан янгидан янги жозибадор депозит турлари таклиф этилмоқда.

Республикада фаолят юритаётган қуйидаги тижорат банклари депозитлари динамикасини кўриб чиқамиз.

2.2-жадвал

Тижорат банклари депозитлари таҳлили, (млрд. сўм)

№	Банклар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1.	Ўзмиллийбанк	3903,1	4913,0	6014,9	6406,8	11496
2.	Асака банк	3093,1	3437,6	4622,1	5968,7	8126
3.	Ўзсаноатқурилишбанк	1010,6	1286,3	2070,6	2568,9	3270
4.	Ипотека банк	1798	1802	2074	2675	5494
5.	Қишлоқ қурилиш банк	518,1	639,6	879,2	1101,1	1167
6.	Халқ банки	2226,2	2420,7	2953,8	3583,8	3579
7.	Агробанк	1593,3	1593,3	1671,2	1893,3	1659
8.	Алоқа банк	458,1	579,4	718,8	1089,0	1940
9.	Микрокредит банк	344,7	464,9	807,5	950,4	954
10.	Гурун банк	499,6	474,6	565,6	710,1	897
	Жами тижорат банклари	26100	28500	35600	44600	58668,5

Юқоридаги жадвалда айрим олинган тижорат банклари депозитлари таҳлил этилган бўлиб, таҳлил этилган барча тижорат банклари депозитлари 2013-2017 йиллар оралиғида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2017

йил якуни бўйича депозитлар Миллий банкда 11496 млрд. сўмни, Асака банкда 8126 млрд. сўмни, Ипотека банкда 5494 млрд. сўмни ва Халқ банкида 3579 млрд. сўмни ташкил этган.

Энди биз Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари таркибини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали танишамиз.

2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари динамикаси³⁸, (йил якуни бўйича, фоизда)

Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2017-йилда 2013йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
Талаб қилиб олинадиган депозитлар	63,5	63,1	59,45	58,5	64,1	0,6
Жамғарма депозитлари	8,1	9,7	10,62	11,3	11	2,9
Муддатли депозитлар	28,4	27,2	29,93	30,2	24,9	-3,5
Депозитлар - жами	100	100	100	100	100	x

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғи юқори бўлган. Яъни, 2013 йилда жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитларнинг улуши 63,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 64,1фоизни ташкил этган ва 2013 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга ошган. ХТТБ экспертларининг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси барқарор эмас, деб ҳисобланади. Лекин бу кўрсаткич ХТТБ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган мезондан икки баробар юқори. Бу эса тижорат

³⁸ Тижорат банклари йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

банклари ресурслар базаси нобарқарор ресурслардан ташкил қилинганидан далолат беради.

Тижорат банклари томонидан аҳолига қулайликларни кенгайтириш мақсадида янги муддатли ва жамғарма омонат турлари жорий этилди. Умуман олганда, аҳолига таклиф этилаётган ва унинг турли қатламлари учун қулай ва манфаатли бўлган омонат турларининг сони 250 тадан ошди.

Натижада республикамизнинг ҳар мингта катта ёшли аҳолисига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварақлари сони 1 027 тага етиб, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан “юқори даража”даги баҳога мувофиқ келди.

Тижорат банкларини депозит сиёсатини юритишидан бош мақсади депозитлар ҳажмини, биринчи навбатда муддатли депозитлар салмоғини ошириш ҳисобланади.

Аҳолини банк тизимига бўлган ишончини ошиши, тижорат банклари томонидан миқдорларга янги депозит турларини тақдим этилиши ва банк хизматлари сифатини ошиши билан изоҳлаш мумкин.

2.4 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларини миқдорлар бўйича тақсимланиши³⁹, (йил якуни бўйича, фоизда)

Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Юридик шахслар депозитлари	73,0	69,3	70,1	71,3	76,2
Жисмоний шахслар депозитлари	27,0	30,7	29,9	28,7	23,8
Тижорат банклари жами депозитлари ҳажми	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

³⁹ «Ahbor-Reyting» Рейтинг агентлигининг 2013-2017 йиллар учун банк секторини аналитик таҳлили.

Ушбу жадвалда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасининг барқарорлик даражасини ошишида жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига жалб қилинган депозитлари ҳажмининг юқори ўсиш тенденциясига эга эканлиги муҳим рол ўйнамоқда.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2012-2017 йиллар мобайнида республикамиз тижорат банкларининг жисмоний ва юридик шахслардан жалб қилинган депозит маблағларининг миқдори юқори ўсиш суръатига эга бўлган. 2017 йил якуни бўйича жами депозит маблағларининг 76,2 фоизи юридик шахсларнинг депозитларига, 23,8 фоизи жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳиссасига тўғри келади. Таҳлил қилинган даврда депозитларнинг юридик ва жисмоний шахслар бўйича ўзаро таркибида 3,2 фоизга ўзгариш кузатилган.

Депозит маҳсулотлари сонини оқилона шакллантиришга сотиш йўллари ва технологиялари катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли мамлакатимиз банклари омонатининг ҳар баир турига унинг муҳим вазифаларидан бири—самарали ставка, ёки қўшимча маблағ қўйиш ва маблағларнинг бир қисмини олиш имкони, сервис имкониятлари ёки омонатларнинг муддатлилиқ вариантлари асос бўлади.


Депозитларнинг янги тури - депозит сертификатларининг ривожланиши билан банк депозитлари банкнинг қисқа муддатли қарзлари ва пасивларини бошқариш концепцияси янги туртки олди. Банк маблағларини шакллантиришнинг бу манбаси амалда гибрид (аралаш) ҳисобварақа бўлиб ҳисобланади: назарий жиҳатдан бу депозитдир. Бироқ; амалда у қарз тилхатининг кўринишларидан биридир. У ортиқча сармояга эга юқори даромадли йирик компаниялар, хусусий шахслар ва ҳукумат органларидан маблағларни вақтинча олиш мақсадида берилади.

Депозит сертификати банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат эгасининг) сертификатни берган банкдан ёки унинг ҳар қандай филиалидан белгиланган муддат тугаганидан сўнг омонат

суммасини ва сертификатда шартлашилган фоизларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоздир.

Депозит сертификатлари тақдим этиладиган ёки эгаси кўрсатилган бўлиши мумкин.

Депозит сертификати муддатидан олдин тўлаш учун тақдим этилган ҳолларда, агар депозит шартларига кўра фоизларнинг бошқа миқдори белгиланмаган бўлса, банк ушбу сертификат бўйича талаб қилиб олингунча депозитлар учун тўланадиган омонат суммасини ва фоизни тўлайди.



2.2–расм. Тижорат банклари томонидан чиқарилган депозит ва жамғарма сертификатлари (йил бошига, млрд. сўм)⁴⁰

Юқорида келтирилган расмда тижорат банклари томонидан чиқарилган депозит ва жамғарма сертификатлари динамикаси таҳлил этилган. тижорат банклари томонидан чиқарилган депозит ва жамғарма сертификатлари 2010 йил бошига 205,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йил бошига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит ва жамғарма сертификатлари 1054,1млрд. сўмни ташкил қилди. Жумладан, узоқ муддатли облигациялар 216,3 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари 837,8

⁴⁰ Марказий банк маълумотлари ва тижорат банклари йиллик ҳисоботлари асосида тузилди.

млрд. сўмни ташкил этган. Яъни, ўрганилган даврда депозит ва жамғарма сертификатларини ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу ижобий ҳолат бўлиб, улар аниқ муддатга чиқарилади ва ушбу муддат давомида тижорат банклари учун барқарор ресурс сифатида хизмат қилади.

Депозит сертификатларини сотишда банк ўша банкдаги бир депозитдан бошқа депозитга ўтказди ёки чекли депозитларни депозит сертификатларига айлантиради. Уларни сотиб, банк қарз маблағларига эга бўлади. Улар банк учун қулайдир. Чунки депозит сертификатлари учун расмий захира талаблари мавжуд эмас. Бундан ташқари, депозит сертификатларидан фойдаланганда банкларнинг депозит барқарорлиги ошади. Чунки депозит сертификатлари ҳар хил муддатларга эга ва қоидага кўра улар шу муддат тугагунча муомаладан олинишлари мумкин эмас.

2.2. АТБ “Агробанк” депозит сиёсати ва уни амалий ҳолати таҳлили

АТБ “Агробанк”нинг депозит сиёсати Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Адлия вазирлигида 2000 йил 5-июлда 943-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги, Адлия вазирлигида 2015 йил 3 июлда 2692-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз ставкаларини шакллантириш механизми тўғрисида”ги Низомлари, “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операциялари амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ҳамда банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Депозит - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида

келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммасидир.

Депозит операцияларининг субъектлари бўлиб юридик ва жисмоний шахслар, объекти бўлиб эса уларнинг пул маблағлари ҳисобланади. Депозитлар нақд ёки нақдсиз пул шаклларида ўрнатилган тартибда қабул қилинади.

Банкнинг депозит сиёсати қуйидагиларга асосланган ҳолда шакллантирилади:

- а) депозит муносабатларининг субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар)га;
- б) депозитларни жалб қилишда фойдаланиладиган воситаларга;
- в) ресурсларни жалб қилиш муддатлари ва миқдорларига;
- г) жалб қилиш мақсадлари: инвестициялаш, кредитлаш, жорий ликвидлиликни таъминлашга.

Депозит сиёсатнинг асосий мақсади этиб мижоз ва ҳамкорлар учун комплекс банк хизматини кўрсатишга шарт-шароитлар яратиш орқали аҳоли ва юридик шахслар маблағларини депозитларга жалб қилишни мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Депозитларга маблағларни жалб қилиш ва фойдаланиш банк лицензиясида қайд этилган қуйидаги операциялар орқали амалга оширилади:

- юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, бошқа банкларнинг) ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- депозит сертификатлар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ҳамда сотиш;
- Халқаро молия институтлари кредит линияларини жалб қилиш;
- Марказий банк кредит линияларини жалб қилиш;
- Ҳукуматнинг мақсадли Жамғармалари маблағларини жалб этиш;
- молиявий бозордан ресурсларни узоқ ва қисқа муддатларга жалб қилиш.

АТБ “Агробанк” сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- маблағларни мақбул шартлар ва баҳолар асосида жалб қилиш;
- банк активлари ва пасивларини самарали бошқариш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш;
- маблағларни депозитларга узоқ муддатга жалб қилиш ва жалб қилинган ресурслар барқарорлигини таъминлаш учун қулай шароитларни яратиш;
- аҳоли маблағларини жалб қилиш бўйича пул бозоридаги етакчилигини янада мустаҳкамлаш, маблағларнинг ўсиши ва жамғарилишини таъминловчи ликвидлилик, даромадлилик ҳамда ишончлилик кўрсаткичларини ошириш, жалб қилиш инструментларининг манфаатли турларини яратиш орқали аҳолининг жамғариш ҳамда инвестициявий фаоллигини рағбатлантириш;
- корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бозоридаги банкнинг улушини ошириш, универсал банк сифатидаги хизматлар кўламини кенгайтириш.

Депозит операцияларини амалга ошириш борасида банкнинг асосий тамойили бўлиб, банкни барқарор фаолият кўрсатиши учун талаб этиладиган мақбул миқдордаги ресурслар билан таъминлаш ҳисобланади. Бунда депозит операцияларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга риоя қилинади:

- депозит операцияларининг фойда келтириши;
- депозит операциялари турли тоифадаги субъектлар билан амалга оширилиши;
- депозит операцияларда алоҳида эътибор узоқ муддатли ва жамғарма омонатларига, яъни барқарор ресурсларга қаратилиши;
- депозитлар ва кредитларнинг муддат ҳамда ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиблигини самарали бошқариш.

Энди биз банкнинг депозит сиёсатини амалга ошириш жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида АТБ “Агробанк”нинг депозит операцияларини

таҳлил этамиз ва бошқа банклар билан солиштирамиз.

2.5-жадвал

АТБ “Агробанк” нинг депозитлари таркиби⁴¹, (йил якуни бўйича, млрд. сўм)

Депозит турлари	2012 й.		2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	683,7	60,1	714,4	53,5	848,9	53,3	883,5	53,0	934,2	49,3	937,5	52,2
Жамғарма депозитлар	183,5	16,1	330,6	24,7	233,7	14,6	239,9	14,3	179,6	9,5	351,2	19,6
Муддатли депозитлар	269,5	23,7	291,3	21,8	510,7	32,1	547,8	32,7	779,5	41,2	505,9	28,2
Жами депозитлар	1136,7	100	1336,3	100	1593,3	100	1671,2	100	1893,3	100	1794,6	100

Юқоридаги жадвалда АТБ “Агробанк” нинг депозитлари таркиби келтирилган бўлиб, банкнинг жами депозитлар 2013 йилда 1136,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда эса 1794,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Депозитлар таркибида асосий ўринни талаб қилиб олингунча депозитлар эгаллайди, яъни, 2013 йилда 60,1 фоизни 2017 йилга келиб эса 52,2 фоизни ташкил қилган. Бу албатта ижобий ҳисобланади, чунки 7,9 фоизга камайиши мос ҳолда муддатли ва жамғарма депозитларини ошиши билан изоҳланади банкнинг депозит базасини маълум даражада мустаҳкамланаётганлигини билдиради.

Талаб қилиб олингунча депозитлар банк ресурслари таркибида нобарқарор ресурс сифатида қаралсада, бироқ ҳозирги кунда аксарият тижорат банкларининг депозитлари таркибида асосий салмоқни ушбу депозит эгаллайди. Талаб қилиб олингунча депозитларга маблағлар юридик ва жисмоний шахслардан қабул қилинади.

Тижорат банклари депозит операциялари ҳажмини ўрганиш ва таҳлил

⁴¹ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

килиш мақсадида республикамизнинг айрим тижорат банклари депозит сиёсатини таҳлилини кўриб чиқамиз.

2.6-жадвал

АТБ “Асака банк” нинг депозитлари таркиби⁴², (йил якуни бўйича, млрд. сўм)

Депозит турлари	2012 й.		2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	1726,7	64,1	1672,9	54,1	1875,8	54,6	2332,3	50,4	3255,6	54,6	5421,2	65,7
Жамғарма депозитлар	2,6	0,1	4,6	0,1	14,6	0,4	12,4	0,3	14,7	0,2	226,8	2,7
Муддатли депозитлар	966,0	35,8	1415,5	45,8	1547,2	45,0	2277,4	49,3	2698,4	45,2	2604,6	31,6
Жами депозитлар	2695,4	100	3093,1	100	3437,6	100	4622,1	100	5968,7	100	8252,6	100

Ушбу жадвалда АТБ “Асака банк” нинг депозитлари таркиби таҳлил этилган бўлиб, банкнинг жами депозитлари 2013 йилда 2695,4 млрд. сўмни, 2017 йил якуни бўйича эса 8252, 6 млрд. сўмни ташкил этган. Ушбу банкда депозитлар таркибида асосий улушни талаб қилиб олингунча депозитлар эгаллайди, 2013 йилда 64, 1 фоизни, 2017 йилга келиб эса, 65,7 фоизни ташкил қилади.

2.7-жадвал

АТБ “Агробанк”нинг талаб қилиб олингунча депозитлари таҳлили⁴³ (йил якуни бўйича, млрд. сўм)

№	Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1.	Ҳукумат	41,5	43,2	43,5	48,2	26,7
2.	Жисмоний шахслар	396,6	508,3	580,1	569,4	321,8
3.	Давлат ташкилотлари	24,4	33,0	26,4	35,6	99,4
4.	Қўшма ва чет эл корхоналари	3,3	3,5	5,7	7,2	10,5
5.	Қўшма жамиятлар ва корпорациялар	89,8	93,3	100,1	129,7	185,0
6.	Бошқа талаб қилиб олингунча депозитлар	158,8	167,6	127,7	144,1	293,9
	Жами	714,4	848,9	883,5	934,2	937,5

⁴² АТБ “Асака банк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

⁴³ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Юқорида келтирилган жадвалда АТБ “Агробанк”нинг талаб қилиб олгунча депозитлари таҳлил этилган. Ушбу банкда талаб қилиб олингунча депозитлар 2013 йилда 714,4 млрд. сўмни, 2017 йилда эса 937,5 млрд. сўмни ташкил этган. Талаб қилиб олингунча депозитлар таркибида жисмоний шахслар ва қўшма жамиятлар ва корпорацияларнинг депозитлари салмоқли ўринни эгаллайди.

Талаб қилиб олингунча депозитлар, шунингдек, жорий ҳисоб варағидан маблағлар омонатчиларнинг биринчи талаби билан қайтарилиши лозим

2.8-жадвал

АТБ “Агробанк”нинг муддатли депозитлари таҳлили⁴⁴
(йил якуни бўйича, млрд. сўм)

№	Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1.	Ҳукумат	51,9	115,7	23,6	167,6	25,5
2.	Жисмоний шахслар	66,3	254,4	281,7	380,1	314,8
3.	Давлат ташкилотлари	12,2	5,7	33,5	25,5	21,0
4.	Қўшма ва чет эл корхоналари	0	0,2	0,3	3,6	0,6
5.	Қўшма жамиятлар ва корпорациялар	0,1	0,1	30,0	0,2	0,7
6.	Бошқа муддатли депозитлар	160,8	134,6	178,7	202,4	143,3
	Жами	291,3	510,7	547,8	779,4	505,9

Юқорида келитирилган жадвалда АТБ “Агробанк”нинг муддатли депозитлари таҳлил қилинган бўлиб, банкнинг муддатли депозитлари 2013 йилда 291,3 млрд. сўмни, 2017 йил якуни бўйича 505,9 млрд. сўмни ташкил қилган. Агробанкнинг муддатли депозитлари таркибида жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари 2013 йилда 66,3 млрд. сўмни, 2017 йилда эса, 314,8 млрд. сўмни ташкил қилган ва 2017 йил якуни бўйича жами муддатли депозитларнинг 62,2 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади. Банк фаолиятида муддатли депозитлар улушининг кўпайиши ижобий

⁴⁴ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

ҳолат бўлиб ҳисобланади ва банкнинг ресурс базасини барқарор манба ҳисобидан мустаҳкамланаётганлигини билдиради.

Энди биз АТБ “Агробанк”нинг жамғарма депозитлари таркибини таҳлил этамиз.

2.9-жадвал

АТБ “Агробанк”нинг жамғарма депозитлари таҳлили⁴⁵

(йил якуни бўйича, млрд. сўм)

№	Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1.	Ҳукумат	0	0	0	0	0
2.	Жисмоний шахслар	330,4	233,6	234,0	179,5	351,1
3.	Давлат ташкилотлари	0,2	0,0	0,0	0,01	0,04
4.	Қўшма ва чет эл корхоналари	0	0	0	0	0
5.	Қўшма жамиятлар ва корпорациялар	0,0	0	0	0,1	0,1
6.	Бошқа жамғарма депозитлар	0,0	0,0	0,0	0,02	0,03
	Жами	330,6	233,7	234,0	179,6	351,2

Ушбу жадвалда АТБ “Агробанк”нинг жамғарма депозитлари таҳлил этилган бўлиб, 2013 йилда 330,6 млрд. сўмни, 2017 йилда 351,2 млрд. сўмни ташкил этган. Жамғарма депозитларнинг асосий қисми жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахсларни депозитларини жалб этиш муҳим ҳисобланиб, қуйидаги жадвалда АТБ “Агробанк” депозитларини мижозлари бўйича тақсимланишини кўрамыз.

2.10-жадвал

АТБ “Агробанк” депозитларини мижозлар бўйича тақсимланиши⁴⁶, (фоизда)

Депозитлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Юридик шахслар депозитлари	40,6	37,5	34,1	40,4	45,0
Жисмоний шахслар депозитлари	59,4	62,5	65,9	59,6	55,0
Тижорат банклари жами депозитлари ҳажми	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

⁴⁵ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

⁴⁶ «Ahbor-Reyting» Рейтинг агентлигининг 2013-2017 йиллар учун банк сектори аналитик таҳлили маълумотлари.

Ушбу жадвалда АТБ “Агробанк” депозитларини мижозлар бўйича тақсимланиши келтирилган бўлиб, 2013-2017 йиллар мобайнида банкнинг жисмоний шахслардан жалб қилинган депозит маблағларининг миқдори 2013 йилда 59,4 фоизни, 2017 йилга келиб 55 фоизни ташкил қилган. Мос равишда юридик шахслардан жалб қилинган депозит маблағларининг миқдори 2013 йилда 40,6 фоизни, 2017 йилга келиб 45 фоизни ташкил қилган. Таҳлил қилинган даврда депозитларнинг юридик ва жисмоний шахслар бўйича тақсимлашида катта ўзгариш кузатилмаган.

2.11-жадвал

АТБ “Агробанк” нинг депозитлар бўйича фоизли харажатлари таркиби ва динамикаси⁴⁷ (млн. сўм)

Депозит турлари	2013 й.		2014 й.		2015 й.		2016 й.		2017 й.	
	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%	сумма	%
Талаб қилиб олингунча депозитлар	3,8	3,7	3,2	2,5	2,7	2,0	12,4	8,5	10,2	6,2
Жамғарма депозитлар	54,5	52,0	78,5	58,7	41,5	30,8	40,2	27,5	44,2	27,0
Муддатли депозитлар	46,6	44,3	51,8	38,8	90,4	67,2	93,8	64,0	109,3	66,8
Жами депозитлар бўйича	104,9	100	133,5	100	134,6	100	146,5	100	163,7	100

Жадвал маълумотларидан кўринадики, “Агробанк”нинг депозитларга фоиз тўлаш билан боғлиқ бўлган фоизли харажатларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинган депозитларга тўланган фоизларнинг салмоғи сезиларли даражада паст. Асосий ҳисса муддатли ва жамғарма депозитларига тўғри келади.

2.12-жадвал

АТБ “Агробанк” депозитлари ва аҳоли омонатлари⁴⁸, (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Депозитлар	1336,3	1593,3	1671,2	1893,3	1794,6
Аҳоли омонатлари	793,3	996,4	1101,9	1129,1	987,8

⁴⁷ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

⁴⁸ АТБ “Агробанк”нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

Юқоридаги жадвалда АТБ “Агробанк” депозитлари ва аҳоли омонатлари динамикаси келтирилган бўлиб, аҳоли омонатлари 2013 йилда 793, 3 млрд. сўмни, 2017 йилда эса 987,8 млрд. сўмни ташкил қилган.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг банк айланмасига жалб қилинишини кучайтириш тижорат банклари зиммасига депозит сиёсатини яхши йўлга қўйиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар доираси ва сифатини ошириб бориш масъулиятини юклайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан фуқароларнинг депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўлиқ ҳажмда ҳақ тўланиши кафолатланиши аҳолининг банкка бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаши ва аҳоли омонатларини банкка кўпроқ жалб қилишга имкон беради.

Банкнинг қисқа муддатли ликвидлилигини таъминлаш ва жорий тўловларни молиялаштиришни арзонлаштириш мақсадида банклараро бозордан маблағлар мақбул қиймат ва ҳажмларда жалб этилади.

Банклараро депозит операцияларининг самарадорлиги, мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажариш ресурсларга зарурат туғилиши ҳолатида маблағларни банклараро бозордан жалб этишнинг тезкорлигига боғлиқдир. Маблағларни жалб этишнинг мазкур манбасини манфаатли ва самарали бўлишининг яна бир хусусиятли томони тегишли заҳира талабларини ҳисобкитоб қилишда “Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ банклараро депозит ҳисобварақларининг ҳисобга олинмаслигидадир. Банкнинг банклараро операцияларни амалга ошириш борасидаги сиёсати йирик, молиявий барқарор бўлган тижорат банклари билан бир қаторда яхши мавқега эга хусусий банklar билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш асосида юритилади.

Банklarнинг депозитларни жалб қилиш соҳасидаги фаолияти, шу жумладан жалб қилинган депозитларга фоизни белгилаши, депозитларни ва

уларга ҳисобланган фоиз тўловларини банк ва мижоз ўртасида тузилган депозит шартномаларига мувофиқ ўз вақтида қайтариши банкларнинг депозит ва фоиз сиёсатларига мувофиқ амалга оширилади.

Банклар жалб қилинадиган депозитлар бўйича фоиз ставкалари даражасини Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ҳамда инфляция даражасининг сўнгги йиллардаги ўзгаришидан келиб чиқиб белгилайди.

2.3. Тижорат банклари депозит сиёсатига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

Тижорат банклари депозитларининг баҳоси бозор муносабатлари шароитида миллий ва халқаро ссуда капиталлари бозорида талаб ва таклифга қарабга шаклланади. Лекин кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида миллий ссуда капиталлари бозорининг тўлиқ шаклланиш жараёни ниҳоясига етмаганлиги сабабли депозитларнинг бозор баҳосини шакллантиришда долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатига таъсир қилувчи омиллардан бири Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати ҳисобланади. Мажбурий захира ставкаларининг оширилиши тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини пасайтиради. Бундан ташқари, мажбурий захира ставкаларининг оширилиши банкларнинг ликвидлилигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган индустриал мамлакатларда, хусусан, АКШ, Германия ва Австрияда мажбурий захира ставкалари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилган.

Депозитнинг суммаси қанчалик катта ва муддати қанчалик қисқа бўлса, унга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини шакллантиришда ҳисобга олиннадиган кейинги омил тижорат банкининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигининг ўзгариши ҳисобланади.

Тижорат банки балансининг жорий ликвидлилик даражасини пасайиши банкнинг депозитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш имкониятини пасайтиради.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатига таъсир килувчи асосий омиллардан бири Марказий банкнинг очик бозор операцияларининг ўзгариши ҳисобланади. Агар Марказий банк очик бозор операцияларида кўпроқ қимматли коғозларни сотувчи бўлиб иштирок этса, бу ҳолат тижорат банкларининг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Бу эса, банкларнинг депозит сиёсатига тегишли ўзгаришларни киритилишига сабаб бўлади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган асосий омиллардан яна бири банк хизматлари миллий бозоридаги ўзгаришлар ҳисобланади.

Депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг динамикасида ўсиш ҳолатлари кузатилди. Агар 2017 йилнинг январ-июнь ойларида юридик ва жисмоний шахсларнинг жами муддатли депозитлари бўйича ўратча тортилган фоиз ставкаси 11,9 фоизни ташкил этган бўлса, октябр ойига келиб 14,2 фоизга кўтарилди. Бунда ўсиш асосан, юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалари ҳисобиг рўй берган. Фоиз ставкаларининг ўзгаришига, шунингдек, банкларда ликвидлик миқдорини камайтириш ҳамда банклараро пул бозорида тижорат банклари ўртасидаги операциялар ҳажми қисқариши ҳам таъсир кўрастувчи омиллардан бўлди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг барқарор даражасини таъминлаш, уларнинг салбий даражага эга бўлишига йўл қўймаслик аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига кенг қўламда жалб этиш ҳуқуқини беради.

Жамғарма депозитлари фоиз ставкаларининг салбий даражага эга эканлиги уларнинг реал қийматини кескин пасайишига ва шунинг асосида

республикаимиз тижорат банкларининг жамғарма депозитларини жалб қилиш жараёнига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз тижорат банклари депозитларининг фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини кўриб чиқамиз.

2.13—жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг баҳосига таъсир қилувчи омиллар⁴⁹

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	13,0	12,5	11,4	11,5	18,5
Миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати, %	11,0	10,0	16,0	15,0	92,4
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг ўртача йиллик даражаси, %	12	12	9	9	14
Марказий банк мажбурий захира ставкаси, %					
1-йилгача—	15	15	15	15	15
1-3 йил —	12	12	12	12	12
3 йилдан ортиқ —	10,5	10,5	10,5	10,5	10,5
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	7,0	6,8	5,6	5,7	14,4

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ушбу даврда республикаимиз Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси 2013 йилдан 2016 йилгача пасайиш тенденцияси кузатилди. 2017 йилда эса қайта молиялаш ставкаси 14 фоизга кўтарилди.

Бунинг натижасида тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ҳам мос ҳолда 2013 йилда 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 18,5 фоизни ташил этиб, 2016

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилди.

йилга нисбатан 7 фоизга кўтарилди. Яъни, тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг фоиз ставкаларини ҳам мос равишда ўсишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозитларига тўланаётган фоизларнинг ставкаларини кўтарилишига олиб келади. Чунки фоиз маржасининг ошиши тижорат банкларининг молиявий ҳолатига нисбатан таъсирни юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, хориж тажрибасини ўрганиш асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга мажбурий захираларларни ўтказиш тартиби ва меъёрлари қайта кўриб чиқилди.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб, тижорат банкларининг Марказий банкка мажбурийрезервларни ўтказиш тартиби ва меъёрларига қўйидагича ўзгартиришлар киритилди:⁷³

- жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитларига 1 йилдан 2 йилгача 2 фоиз, 2 йилдан ортиқ 0 фоиз, бошқа депозитларга эса 4 фоиз қилиб белгиланди.

- Юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитларига 1 йилдан 2 йилгача 7 фоиз, 2 йилдан ортиқ 0 фоиз, бошқа депозитларга эса 14 фоиз қилиб белгиланди.

- тижорат банклари томонидан мажбурий захираларнинг шакллантирилиши, жалб қилинган мажбурият ва депозитлар валютасидан келиб чиқиб, мос равишда миллий ва хорижий валютада амалга оширилиши белгиланди;

- мажбурий захирага тортиладиган базага жисмоний шахслар депозитлари ҳам киритилди;


мажбурий захиралар миқдорига нисбатан 0,1 ўртачалаш коэффициенти ўрнатилди.

Марказий банк мажбурий захира ставкасининг табақаланиши тижорат банкларининг муддатли депозитларга фоиз тўлаш имкониятини оширади. Бу эса, ўз навбатида, муддатли депозитларнинг фоиз ставкаларини ошишига ва шунинг асосида муддатли депозит ҳисобрақамлари қолдиғининг ўсишига олиб келади.

2017 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 14,4 фоизни ташкил қилганлиги республикаимиз тижорат банклари депозитларининг баҳосига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Республикаимиз тижорат банкларининг депозит бўйича фоиз ставкаларини белгилашда Марказий банкнинг мажбурий захира ставкасининг ўзгариши муҳим рол ўйнайди. Бунинг сабаби шундаки, мажбурий захира ажратмалари тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитларнинг суммасига нисбатан ҳисобланади ва уларни тўлаб бериш банкнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамини кредитлаш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли, мажбурий захира ставкаси қанчалик юқори бўлса, тижорат банкининг депозитларга фоиз тўлаш имконияти шунчалик паст бўлади.

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида мажбурий захира ставкаси жуда паст қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасида эса мажбурий захира ставкаси юқорилигича сақланмоқда.



2.5-расм. Айрим давлатларда тижорат банклари депозитларининг ЯИМга нисбатан салмоғи, (2018 йилнинг 1 январь ҳолатига⁵⁰, %да)

⁵⁰ www.cbu.uz ва www.newskaz.ru сайти маълумотлари асосида тузилди.

Юқоридаги расмдан кўриш мумкинки, МДХ ва Шарқий Европа давлатларида ушбу кўрсаткич турлича, Қозоғистонда 35,2 %, Россияда 36,3 %, Польшада 37,1 %, Венгрияда 48,2 %, Чехияда 69,8 %, Ўзбекистонда 22,4 %ни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари депозитларининг ЯИМ даги салмоғи МДХ ва Шарқий Европа давлатларидагига нисбатан сезиларли даражада паст. Бу эса, республикамизда банкларнинг депозит сиёсатини МДХ ва Шарқий Европа давлатлари банклариникига нисбатан самарадорлигининг сезиларли даражада паст эканлигидан далолат беради. Бунинг натижасида тижорат банклари мамлакат иқтисодиёти реал секторининг кредитларга бўлган талабини қондиришда қийинчиликларга дуч келишади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, республикамиз тижорат банклари депозит базаси ҳажмини ошириш бан барқарорлигини таъминлайди ва актив операцияларни амалга ошириш имконияти ошади.

Айрим давлатларда тижорат банклари депозитларининг ЯИМга нисбатан салмоғини ўрганиш тижорат банклари орқали мамлакат иқтисодиётнинг тармоқларини кредит ресурслари билан таъминлаш даражасини кўриш мумкин.

Тижорат банклари депозитларининг асосий қисми кредит операцияларига йўналтирилади. Айрим тижорат банкларида жалб қилинган депозитлар тўлиқ кредит операцияларини молиялаштиришга йўналтирилади. Бунда асосий эътибор кредит рискининг кучайиши ва уни бошқариш самарадорлигига қаратилади. Депозитларнинг 80 фоиздан ортиқ қисмини кредит сифатида жойлаштирилиши тижорат банклари фаолиятидаги трансформация рискин кескин кучайишига олиб келади. Шу сабабли, тижорат банклари жалб қилинган муддатли ва жамғарма депозитларининг 80 фоизга яқин қисмини кредит операцияларини молиялаштиришга йўналтириш, қолган қисмини эса, кам даромадли, аммо юқори ликвидли активларга, шу жумладан, ҳукуматнинг қимматли қўғозларига жойлаштириш

йўли билан трансформация ва ликвидлилик рискани камайтиришга муваффақ бўлишлари мумкин.

Халқаро Базель қўмитасининг тижорат банклари активларини рискка тортиш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ишланмаларида кредит юқори рисклик актив ҳисобланади ва унинг риск даражаси 100% қилиб белгиланган. Базел-II да эса, муддати ўтганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган кредитларнинг риск даражаси 150% қилиб белгиланди. Мазкур ҳолатлар депозитларни кредит операцияларига йўналтиришда юзага келадиган трансформация ва ликвидлилик рискларини бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Шуниси характерлики, республикамиз банк амалиётида миллий валютада жалб қилинадиган депозитларга нисбатан сузувчи фоиз ставкалари қўлланилмайди. Бозор муносабатлари шароитида сузувчи ставкаларда депозитлар қабул қилиш объектив зарурият ҳисобланади. Лекин сузувчи ставкаларда депозитлар қабул қилиш тижорат банкларининг фаолиятидаги фоиз рискани чуқурлаштириши мумкин. Чунки сузувчи ставкаларда жалб қилинган депозитлар ҳисобидан қатъий белгиланган ставкаларда кредитлар бериш фоиз рискани кучайиш хавфини юзага келтиради. Шу жиҳатдан олганда, республикамиз тижорат банкларида фоиз рискани бошқариш борасида етарли тажриба мавжуд бўлмаган шароитда сузувчи фоиз ставкаларида депозитлар жалб қилиш амалиётининг мавжуд эмаслигини салбий ҳолат сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида такидлаб ўтганимиздек, талаб қилиб олингунча депозитларга нисбатан муддатли ва жамғарма депозитлари муҳимроқ ресурс ҳисобланади, чунки тижорат банклари ушбу маблағларни муддатларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштириш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу ҳолат мамлакатимиз тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлашда аҳоли омонатларининг ролини ошиб бораётганлигидан далолат беради. Миллий валютадаги депозитларнинг умумий суммасида аҳолининг муддатли ва жамғарма депозитлари умумий 80%гача ўсди.

Республикаимиз тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкалари даражасининг паст эканлиги кузатилмоқда. Бу эса, хорижий валюталардаги депозитларнинг халқаро ссуда капиталлари бозоридаги бозор баҳосидан паст.

II боб бўйича хулоса

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари номинал ва реал фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги кузатилмоқда, бу эса, жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш жараёнига салбий таъсир кўрсатади;

иккинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира ставкаларини юқорилиги тижорат банкларининг депозит базаси ва ликвидлилигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

учинчидан, республикаимиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг салмоғи жуда юқори бўлиб, 60 фоиздан юқоридир, бу эса, тижорат банклари депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради. Чунки жаҳон банки ва халқаро валюта фонди экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра талаб қилиб олингунча депозитларнинг брутто депозитлардаги салмоғи 30-40 фоизни ташкил қилиши керак.

тўртинчидан, юридик шахсларнинг жамғарма депозитлари номинал фоиз ставкаларининг амалдаги даражаси салбийлигича қолмоқда, бу эса, юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини тижорат банкларининг жамғарма депозит ҳисобрақамларига кенг кўламда жалб қилишга тўсқинлик қилади;

бешинчи, банклараро рақобат шароитида тижорат банклари иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини имкон қадар кўпроқ ўзларига жалб этиш йўллари излаб топишлари лозим. Бунда депозит операциялари бўйича реклама ишларини ривожлантиришлари ва ресурслар бозорини доимий равишда ўрганиб боришлари талаб этилади.

III-БОБ. БАНКЛАРАРО РАҚОБАТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Тижорат банклари депозит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари

Банклараро рақобат шaroитида тижорат банкларининг кредит операциялари самарадорлигини ошириш уларнинг жалб қилинган маблағларининг барқарорлигини таъминлаш орқали юзага келади. Иқтисодиётни модернизациялаш шaroитида тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш жараёнидаги иштирокини кучайтириш уларнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўз навбатида, банклар ресурс базасининг мустаҳкамлиги юридик шахсларнинг депозитлари ва аҳоли омонатлари миқдорининг ўсиб боришига, уларнинг миқдор ва муддат жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга боғлиқ.

Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узок муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш банкнинг депозит сиёсатини бошқариш амалиётга бевосита боғлиқдир.

Тижорат банклари депозит стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллашда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг депозит сиёсатида қўлланилаётган тактик воситаларнинг қай даражада депозит стратегиясига мос келаётганлигини аниқлаш имконияти тижорат банки депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида юзага келади.

Республикамиз банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мажуд бўлиб, улардан қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Тижорат банкларининг депозит базасининг заифлиги муаммоси. Республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг депозит базасининг умумий ҳажмида талаб қилиб олингунча депозитларнинг салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат тижорат банкларининг депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит базасининг заиф эканлиги уларга актив операциялар ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини бермайди. Бундан ташқари, трансакцион депозитларнинг йирик салмоққа эга эканлиги тижорат банкларининг ликвидлилигига салбий таъсир қилади.

2. Республикамиз банкларида мижозларнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш борасидаги тадбирларнинг самарадорлик даражасининг пастлиги.

Ушбу муаммо банкларнинг фойдасини тақсимлаш жараёнида яққол намоён бўлади. Бунинг боиси шундаки, мижозларни ўз пул маблағларини банкларнинг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига қўйишга ундайдиган, рағбатлантирадиган асосий омил бу депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида депозитларга тўланадиган фоизлар жами фоизли харажатларнинг мутлақ асосий қисмини ташкил этади.

Республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида, хусусан, Миллий банкда фоизли харажатларининг асосий қисми банклараро кредитлар учун тўланган фоизларга тўғри келади. Банклараро кредитлар эса, молиялаштиришнинг нисбатан қиммат бўлган шакли ҳисобланади. Демак, бу ҳолат банкнинг харажатларини ўсишига олиб келади.

3. Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган жорий ликвидлилик коэффиценти тижорат банкларининг ликвидли активларини трансакцион

депозитлар ва банк тўловларининг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Банкда трансакцион депозитнинг суммаси қанчалик катта бўлса, у шунчалик катта миқдорда ликвидли активларни сақлаб туришга мажбур бўлади. Агар республикамизнинг йирик тижорат банкларида ликвидли активларнинг мутлақ асосий қисмини “Ностро” вакиллик ҳисобварақларининг қолдиқларидан иборат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳолат банк активларининг даромадлилигига жиддий зиён етказди. Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг жорий ликвидлигига нисбатан белгиланган мазкур талабнинг минимал даражаси 30 фоизни ташкил қилади. Бу эса, нисбатан юқори кўрсаткич бўлиб, банкларни йирик миқдорда ликвидли активларни сақлаб туришга мажбур қилади.

Ривожланган индустриал давлатлар амалиётида юқори ликвидлилик хусусиятига эга бўлган қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажми жуда катта бўлиб, бу ҳолат тижорат банкларига ликвидли активларнинг маълум қисмини ана шундай қимматли қоғозлар шаклида шакллантириш имконини беради. Республикамизда эса, юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг эмиссия ҳажми нисбатан кичик эканлиги қимматли қоғозлар бозорининг таҳлилига бағишланган илмий ишларда яққол кўзга ташланмоқда.

4. Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларининг ресурс базасига салбий таъсир кўрсатадиган мажбурий захира талабномаларининг юқорилиги.

Республикамизда тижорат банкларининг депозит сертификатларини чиқариш йўли билан жалб қилинган маблағларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мажбурий захира талабномаси қўлланилмайди. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлигига ижобий таъсир кўрсатадиган омил ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг депозит базасини шакллантиришда жамғарма сертификатларидан кенг фойдаланилади. Жамғарма сертификатлари депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг даражаси ва муддатига кўра депозит сертификатларига нисбатан ўзига хос қулайликларни юзага

келтирадиган инструмент ҳисобланади. Лекин жамғарма сертификатларининг ҳам, депозит сертификатларининг ҳам мижозлар учун иқтисодий ва инвестицион жозибадорлиги тижорат банкининг молиявий ҳолатига, бозордаги репутациясига, халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан бериладиган рейтинг даражасига боғлиқ. Тижорат банкларининг депозит базасини шакллантириш инструментларидан фойдаланишда инфляция даражаси ва уни тартибга солинганлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки мижозларни депозитларга белгиланган номинал фоиз ставкаларига кўра, реал фоиз ставкалари кўпроқ қизиқтиради. Ўзбекистон Республикасида инфляцияни юқори эканлиги ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги депозит инструментларидан фойдаланиш амалиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар, Марказий банкдан олинган кредитлар ва банкка жалб қилинадиган маблағлар қиймати жиҳатидан арзон, лекин муддати жиҳатидан нобарқарор молиявий ресурслар ҳисобланади.

Қиммат маблағлар гуруҳига тижорат банкларининг регулятив капитали таркибидаги устав капитали, муддатли депозитлар, жамғарма ва депозит сертификатлар, банклараро кредитлар ва бошқа маблағларни киритиш мумкин. Ушбу маблағлар тижорат банклари учун қиймати жиҳатидан қиммат маблағлар бўлса-да, улар муддати жиҳатидан нисбатан молиявий барқарор ҳисобланади. Халаро банк тажрибалари ва амалиётдаги мавжуд ҳолатларнинг натижаси шуни кўрсатмодаки, тижорат банклари депозит сиёсати маҳсулоти бўлмиш депозит портфели ликвидлигини таъминлашда молиявий барқарор маблағларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, уларда молиявий инироз даврида ликвидлиликни таъминлаш юзасидан муаммолар шунчалик кам бўлади.

Фикримизча, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммо ва камчиликларнинг бартараф қилиниши истиқболда банклараро рақобат шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштиришга ва депозит базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Чунки,

ушбу чора-тадбирлар муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалардан бири ҳисобланиб, мамлакатимиз тижорат банклари ресурслари ҳажмини ошириш ва барқарорлигини таминлаш доирасида қатор имкониятлар яратади. Улардан самарали фойдаланиш эса банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш билан бир қаторда, банк тизимига нисбатан аҳолининг ишончини мустаҳкамлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Республикамизда банк тизимининг ҳар томонлама тараққий этиши, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.

3.2. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш йўллари

Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини юритиш элементларининг асоси бўлган банк сиёсати ресурсларни жалб қилишга асосланган ҳолда банкнинг актив ва пассивларини самарали бошқаришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги ечимларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- банкнинг депозит операцияларини амалга оширишнинг устувор йўналиши даромад олиш шарт-шароитларини яратиш;
- банкнинг ликвидлилик даражасини меъёردа сақлаш;
- депозит турларини ва турли хил шакллари сингдириш, ва улар орасида диверсификация инструментларини қўллаш;
- депозит операциялар орасида мутаносибликни олиб бориш, яъни ажратилаётган ссуда кўринишидаги кредитлар, депозитлар ва кредит кўйилмалари орасидаги даврий узилишни бошқариш;
- банкнинг депозит ҳисоб рақамларида бўш пул маблағларини камайтириш;
- тўғри белгиланган фоиз сиёсатини олиб бориш;

- доимий равишда жалб қилинган ресурслар бўйича шаклланаётган фоизли харажатлар миқдорини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- мижозларга хизмат кўрсатишда банк хизматларини ривожлантириш эвазига банк ходимлари орасида сифат ва маданиятни ривожлантириш.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Мажбурий заҳира ставкаларини депозитларнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштириш лозим.

Маълумки, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти даражасига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улардан бири бу Республика Марказий Банкининг мажбурий заҳиралар фондига ажратмалар механизми ҳисобланади. Республикамизда ҳозирги кунда ушбу фондга ажратма меъёри тижорат банклари депозитларининг муддатига кўра табақалашган. Яъни, 1 йилгача бўлган депозитларга 15%, 1-3йилгача бўлган депозитларга 12% ва 3 йилдан ортиқ бўлган депозитларга 10,5% қилиб белгиланган. Бироқ депозитларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозитлар ташкил қилганлиги сабабли, бу ҳол тижорат банкларининг манфаатларига зид келади, чунки биринчидан, ушбу банкларнинг ресурс базалари ва шунга мос равишда активларга қилинадиган қўйилмаларидан оладиган даромадлари миқдори камайса, иккинчидан, ушбу жалб қилинган депозитлар баҳосига таъсир қилади.

Ушбу ҳол тижорат банкларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ресурслар баҳосининг ошишига олиб келади. Бундай вазиятда тижорат банклари фоиз даромадлари олиш мақсадида активларни янада юқорироқ фоиз ставкаларида жойлаштиришга мажбур бўладилар ва оқибатда тижорат банклари маблағларни ўрта ва узоқ муддатга ишлаб чиқариш соҳаларига қўйилма қилгандан кўра, тезда ва катта миқдорда даромад келтирадиган ноишлаб чиқариш соҳаларига қўйилма қилишни афзал кўрадилар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Марказий банк 2018 йил 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари муддати бўйича табақалаштирилган захира ставкаларини жорий этилиши белгиланди. Муддатли депозитларга нисбатан захира ставкаларини белгилашда уларнинг муддатини ҳисобга олиши керак. Муддатли депозит қанчалик узок муддатга жалб қилинган бўлса, мажбурий заҳираси шунча паст белгиланиши ва узок муддатли депозитларга ноль фоизли захира қўлланилиши белгиланди.

2. Депозитларнинг ўз вақтида мижозларга қайтарилишини таъминлаш мақсадида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллиги устидан амалга ошириладиган назорат ва таҳлилни кучайтириш лозим. Бу муаммо ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида ҳам мавжуд.

Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғи юқори бўлганлиги сабабли, уларни ўз вақтида қайтмаслиги тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади. Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтмаслиги банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади. Ушбу таъсир биринчи навбатда банкларнинг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини чекланиб қолишига олиб келади. Жаҳон Тиклаш ва Тараққиёт банкининг эксперти Крис Барлтроп ўзининг тадқиқотларида шундай ҳолатни баён этадики, бир қатор ривожланаётган давлатларда тижорат банкларининг фоизли даромадларини депозитларга тўланадиган харажатларни молиялаштиришга етмай қолиши натижасида, ушбу банклар капитал ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан депозитларга фоизлар тўлаш ҳолларига йул қўйганлар. Бу эса, банкнинг ресурслар базасига ва тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади.

3. Кенг омма омонатчиларнинг майда жамғармаларини жалб қилиш мақсадида почта жамғармаси ташкилоти тизимини ривожлантириш зарур.

Ушбу таклифни амалга ошириш механизмида Япония тажрибаси: Почта жамғармаси ташкилотлари кенг омма омонатчиларидан майда жамғармаларни омонатларга жалб қилади ва бу жалб қилинган маблағларни Япония Молия вазирлигига маълум бир фоизда жойлаштиради. Япония

Молия вазирлиги почта жамғармаси ташкилоти томонидан жалб қилинган омонатларнинг сақланиши, тўланишига кафил бўлади. Ушбу вазирлик томонидан депозитга олинган маблағлар Япония тараққиёт банкига, ҳар-хил давлат фондларига, ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб қувватлашга йўналтирилади.

4. Депозит базасини шакллантиришда кредит олувчиларни аризаларида кўрсатилган муддатларни эътиборга олиш ёки жалб қилинган депозитларни муддатлари бўйича кредит портфелини шакллантириш лозим. Яъни депозит ва кредитлар мувозанатини сақлаш бўйича ўрнатилган мёёрларга тўлиқ амал қилиш кўзда тутилиши лозим. Бунинг учун мувозанатнинг оптимал вариантини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фоиз маржасини муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари даражасини ошириш йўли билан қисқартириш лозим.

Бунинг натижасида, тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида муддатли депозитларнинг салмоғи ҳамда муддатли депозитларнинг миқдори сезиларли даражада ошади. Бунинг сабаби шундаки, аҳоли ва корхоналар учун муддатли депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини оширувчи асосий омиллардан бири муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг даражаси ҳисобланади.

III боб бўйича хулоса

Республикаимиз тижорат банкларида депозитлар барарорлигини таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун эса:

- биринчидан, мижозларга депозит ҳисобрақамларининг жозибадорлигини ошириш имкониятини берадиган маркетингни ривожлантириш лозим;
- иккинчидан, депозитларнинг барарорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиилиши лозим;

- учинчидан, банк учун депозит базасининг асосини ташкил қилувчи мижозлар гуруҳини аниқлаб олиш ва уларга комплекс депозит-кредит хизматини таклиф қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жамғарма депозитлари миқдорини ошириш йўли билан уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш масадида:

- биринчидан, юридик шахсларнинг жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ижобий даражасини таъминлаш лозим;

- иккинчидан, аҳолининг жамғарма депозитларини тижорат банклари томонидан нақд пулда тўлаши ва ўз вақтида берилишини таъминлаш лозим.

Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини амалга оширишнинг бош мақсади биринчи навбатда фойда олиш мақсадида актив операцияларни амалга ошириш учун барқарор ресурс билан таъминлашдан иборатдир.

Ҳар бир тижорат банки ўзининг депозит сиёсатига асосланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб этишда депозит бозорини ўрганиб бориши ва мижозларни кўпроқ жалб қиладиган жозибадор депозит турларини жорий қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш ва депозитларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида хорижий давлатлар банкларининг бу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадга мувофиқдир. Халқаро тажрибанинг ижобий томонларини республикамиз банк амалиётида қўллаш ўзининг ижбый натижасини беради.

Шу сабабли қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозитларининг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг юқори ва барқарорлигини таъминлаш лозим. Ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденциясини юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим;

– трансакцион (талаб қилиб олингунча) депозитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик қондасига риоя қилиш лозим. Бунинг натижасида тижорат банклари депозит базасининг барқарорлиги ошади. Республикамиз тижорат банклари депозитлари таркибида трансакцион депозитларнинг улуши 60 фоиздан юқорилиги салбий ҳолат ҳисобланади.

– ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида молия бозорларининг ривожланмаганлиги, Марказий банк мажбурий захира сиёсатининг тижорат банклари депозит базасига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги, трансакцион депозитлардан ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда, банклар фаолиятидаги ликвидлилик рискининг кучайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида жамғарма депозитларининг салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банкларининг пул маблағларини жамғарма депозит

ҳисобрақамларига жалб қилиш операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Охирги йилларда юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси пасайиш тенденциясига эгадир. Мазкур тенденциянинг сақланиб қолиши юридик шахсларнинг пул маблағларини тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига жалб этишга салбий таъсир кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларининг барқарор даражасини таъминлаш, уларнинг салбий даражага эга бўлишига йўл қўймаслик аҳоли ва корхоналар ихтиёридаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига кенг кўламда жалб этиш ҳуқуқини беради.

Рақобат шароитида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит сиёсатини такомиллаштириш ва депозит базасининг мустаҳкамлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслиги;
- тижорат банкларида трансформация рискининг мавжудлиги ва унинг банкларнинг депозит базаси барқарорлигига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги;
- республикамиз тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан белгиланган фоиз ставкаларининг беқарорлиги;
- юридик шахсларнинг жамғарма депозитларига нисбатан белгиланган фоиз ставкаларининг салбий даражага эга эканлиги;
- тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолаш услугиётининг такомиллашмаганлиги.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банклар депозит базасини барқарорлигини таъминлаш мақсадида муддатли ва жамғарма депозитлари ҳажмини ошириш лозимлиги асосланди. Чунки, республика бўйича банкларнинг ушбу депозитлари ҳажми жами депозитларда 30 фоизни ташкил қилади. Айрим олинган тижорат банкларида бу кўрсаткич ундан ҳам пастдир.

2. Мижозлар учун янги жозибадор депозит турларини жорий қилган ҳолда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб қилиш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўлами ва сифатини ошириш.

3. Тижорат банклари депозитларининг кредит сифатида жойлаштириш жараёнида юзага келаётган трансформация riskига барҳам бериш мақсадида депозитлар ва кредитларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш лозим.

4. Тижорат банклари томонидан муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш.

5. Республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш лозим.

6. Талаб қилиб олингунча депозитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Бунинг натижасида тижорат банклари депозит базасининг барқарорлиги ошади. Японияда ҳам, АҚШда ҳам трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғининг 30 фоиздан ошишига йўл қўймаслик чоралари кўрилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т. Шарқ, 1992 йил.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабр.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил 30 август.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни “Ўзбекистон”. 2011 йил 5 декабрь.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 2002 йил 5 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017-йил 7-феврал.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2008 йил 28 ноябр.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3968-сонли Фармони.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги 3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори, 2017 йил 12 сентябрь.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида”ги Қарори 2008 йил 31 октябр.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, - Тошкент, 2007 йил 7ноябр.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрел.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 2205-сонли йўриқнома, 2011 йил 4 март.

1.18. Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари томонидан жалб қилинадиган депозитлар (омонатлар) бўйича фоиз

ставкаларини шакллантириш механизми тўғрисида”ги 2692-сонли низоми, 2015 йил 3 июль.

1.19. Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисида”ги 1859-сонли низоми, 2008 йил 24 сентябрь.

1.20. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

1.21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

1.22. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

1.23. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

1.24. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

1.25. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш.- Т.: Молия, 2002. -304б

1.26. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.-Т.: “ IQTISOD-MOLIYA”, 2017.-732б.

1.27. Азизов У., Қоралиев Т. ва бошқалар. Банк иши. Дарслик. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2016. 640 б.

1.28. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

1.29. Банковское дело:Учебник. Г. Г. Коробова. - Москва: "Экономист", 2005. - 751 с.

1.30. Баталов А.Г. Банковская конкуренция. А.Г. Баталов. - Москва: Экзамен, 2002. - 256 с.

- 1.31. Колесников В.И. и другие. Банковское дело. - Москва: Финансы и статистика, 1995. -480 с.
- 1.32. Колесников Н.А и др. Маркетинг для начинающих свое дело.- Невинномыск: ЗАО «Невинномысская городская типография». 1998. -138 с.
- 1.33. Лаврушин О.И. Банковский менеджмент. Учебник ФиС,2009.560 с.
- 1.34. Никова И.А.,Шамгунов Р.Н. Стратегия и стоимость коммерческого банка.-М.:”Альпина Бизнес Букс”, 2004.-304 с.
- 1.35. Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. / Г.С. Панова. - Москва: МКЦ ДИС, 1997. -464 с.
- 1.36. Роуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. / П.С. Роуз. - Москва: Дело, 1997. -768 с.
- 1.37. Тавасиев А.М., Ребельский Н.М. Конкуренция в банковском секторе России: Учеб. Пособие для вузов/под.ред. А.М.Тавасиев.-М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001.-304 с.
- 1.38. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси нашриёти. Тошкент 2005. 144 б.
- 1.39. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. / В.М. Усоскин. - Москва: Антидар, 1998. - 320 с.
- 1.40. Хабаров В. И., Н.Ю. Попова. Банковский маркетинг: учебное пособие. М.: МЭСИ, 2004.
- 1.41. Юданов А.Ю. Конкуренция: теория и практика:Учеб.-практ.пособие.- 4-е изд., испр и доп.-М.: Казаков: Гном и Д.,2010.-304 с.

II. Монография, илмий мақола патент, илмий тўпламлар

- 2.1. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўллари. иқт.фан.ном.дис.автореф.-Тошкент, 2011.
- 2.2. Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.
- 2.3. Жўраев И.И. Тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари // Молия. - 2013. -№ 5. 12-16 б.
- 2.4. Завьялова П.С. Конкурентоспособность и маркетинг//Российский

экономический журнал.-2005.-№12.-с. 50-55.

2.5. Mikael C. Bergbrant, Kaysia T. Campbell, Delroy M. Hunter, James E. Owers Does deposit insurance retard the development of non-bank financial markets? Research article. Journal of Banking & Finance, Volume 66, May 2016, Pages 102-125.

2.6. Омонов А.А., Рахмонов И.Х. Ўзбекистонда валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида банклар фаолиятининг асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит журнали 2018й №3, 28-33б.

2.7. Омонов А.А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: “Фан ва технология”. Монография, 2008 йил, 248 б.

2.8. Ортиков О. А. Банклараро ракобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Монография. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2015. - 140 б.

2.9. Pelumi E. Oguntunde, Hilary I. Okagbue, Patience I. Adamu, Omoleye A. Oguntunde, Abiodun A. Opanuga. Statistical analysis of bank deposits dataset. Open access, Data article. Data in Brief, Volume 18, June 2018, Pages 864-872.

Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат бнклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. и.ф.н. илм. дар. ол. учун дисс. -Тошкент,2009.22 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2013-2017 йиллар учун ҳисобот маълумотлари.

3.2.“Ахбор-Рейтинг” рейтинг агентлигининг 2013-2017 йиллар учун йиллик ҳисобот маълумотлари.

3.3. Тижорат банкларининг 2013-2017 йиллар учун йиллик ҳисобот маълумотлари.

IV. Интернет сайтлари

www.uba.uz- (Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси расмий сайти)

www.lex.uz- (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами)

www.stat.uz.- (Республикаси Статистика қўмитасининг расмий сайти)

www.bfa.uz- (Банк –молия академияси расмий сайти)

www.cbu.uz- (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти)

www.gov.uz – (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портал)

www.Ahbor.uz – (Ахбор рейтинг рейтинг агентлиги расмий сайти)
www.bis.org – (Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг расмий сайти)
www.agrobank.uz- (АТБ Агробанкнинг расмий сайти)
www.sciencedirect.com - (халқаро маълумотлар базаси).